VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

32 (464) ● 2017 йил 9 август, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОСИЁ ИНФРАТУЗИЛМА ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ БАНКИ ПРЕЗИДЕНТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 август куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Осиё инфратузилма инвестициялари банки президенти Цзинь Лицюнни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни Осиё қитъасида замонавий ва ишончли инфратузилмани шакллантиришга кўмаклашадиган янги халқаро молия институти бўлган ушбу банк ўз амалий фаолиятини муваффақиятли бошлагани билан самимий табриклади.

2015 йилда ташкил этилган ва бош қароргоҳи Пекинда жойлашган Осиё инфратузилма инвестициялари банки дунёнинг турли мамлакатларида 17 инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда фаол қатнашмоқда.

Мамлакатимиз 2016 йилнинг ноябрь ойида банкни таъсис этиш тўғрисидаги битим доирасида давлатнинг ички тартиб-таомилларини бажарди ва ушбу халқаро молия институтининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Учрашув чоғида Ўзбекистон Республикасида умумий қиймати 2,7 миллиард доллар бўлган истиқболли лойиҳаларни – сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш, энергетика инфратузилмасини ривожлантириш, замонавий автомобиль йўллари қуриш, темир йўлларни электрлаштириш ва пойтахт метрополитени тармоғини кенгайтириш ва бошқа лойиҳаларни амалга оширишга доир ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Қўшма лойиҳаларни амалга оширишга хусусий инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб қилиш механизмини яратиш бўйича ҳамкорлик имкониятлари мавжудлиги алоҳида таъкидланди.

Осиё инфратузилма инвестициялари банки президенти Цзинь Лицюнь Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул ва ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик изҳор этди. Банк Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва кенг кўламли ҳамкорлик қилишга тайёр эканини алоҳида таъкидлади.

ЎзА

ЦЗИНЬ ЛИЦЮНЬ: ОСИЁ ИНФРАТУЗИЛМА ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ БАНКИ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИККА ТАЙЁР

Бош қароргоҳи Пекинда жойлашган Осиё инфратузилма инвестициялари банки бундан икки йил аввл ташкил қилинган. Турли мамлакатларда транспорт, энергетика, уй-жой қурилиши ва бошқа соҳалардаги йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга ихтисослашган банк президенти Ўзбекистонга ташрифи хусусида қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Аввало, Президент Шавкат Мирзиёевга ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик изҳор этаман. Мамлакатингизда бир неча маротоба бўлганман. Мазкур банк президенти сифатида биринчи марта келдим. Биз Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларни юқори баҳолаймиз. Мамлакатингизнинг ҳар томонлама ривожланиши, тараққий этган давлатлар сафига киришида Президент Шавкат Мирзиёев олиб бораётган сиёсат муҳим омил бўлмоқда.

Осиё инфратузилма инвестициялари банки Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларида ўзининг ёрдамини аямайди. Мамлакатингизда янги инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришда ҳар бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Қўшма лойиҳаларни молиялаштириш бўйича дастлабки қадамларни қўйдик. Баъзи лойиҳа ишлари такомиллаштирилмоқда. Тошкент метрополитенининг ер ости ва ер усти қисмларида қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Биз мазкур йирик лойиҳани молиялаштириш бўйича музокаралар ўтказаяпмиз.

Бугунги учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилишини алоҳида таъкидлади. Бу мени ҳайратга солди. Чунки бу жуда муҳим аҳамиятга эга масала. Ҳамкорлигимизни изчил ривожлантиришда бунинг аҳамияти катта.

Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва кенг кўламли ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Абу Бакир ЎРОЗОВ, ЎзА

Муносабат

ХАЛҚ КЎНГЛИДАГИ ГАПЛАРНИ АЙТИШИМИЗ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 3 август куни мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувидаги "Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир" номли маърузасида миллий маданиятимиз, адабиёт ва санъатимизни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар, уларни ҳал этиш йўллари, бу борада ижодий уюшмалар ва давлат ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Учрашувда билдирилган фикр-мулоҳазалар, ўртага ташланган таклифлар, белгиланган муҳим вазифалар шу кунларда жойларда кенг ва қизғин муҳокама этилаётир. Жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вакиллари, депутатлар ва партия фаоллари ҳам бу борада ўз муносабати, мулоҳаза ва таклифларини билдирмоқда.

3-бет

Ўз-ўзини танқид

ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИНИНГ ТАШАББУСКОР БЎЛИШИГА НИМА ХАЛАЛ БЕРМОҚДА?

Бепарволик, лоқайдлик, қатъиятсизлик, жон қойитмаслик...

Бу каби салбий сифатлар депутатдан йироқ, аниқроғи, депутат улардан узоқ бўлиши керак. Чунки халқ вакили деган ҳам шарафли, ҳам масъулиятли ном депутатларнинг ҳамиша сергак, жонкуяр ва ишчан бўлишини тақозо этади. Депутат давлат ҳокимияти ҳамда сайловчилар ўртасидаги кўприк бўлмоғи зарур.

Шу йил 12 июлда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишида бу борада кўп ва хўп гаплар айтилди, устувор вазифалар белгилаб берилди. Сиёсий партиялар, уларнинг парламент ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик корпуслари фаолияти хусусида очиқ-ошкора айтилган аччиқ ҳақиқатлар уларни ўз фаолиятига чуқур таҳлилий-танқидий руҳда ёндашган ҳолда янги марралар сари ундамоқда.

Давлатимиз раҳбари маърузасида сиёсий партияларнинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг таъсири мутлақо сезилмаётгани, улар томонидан Кенгаш сессиялари муҳокамасига ташаббус-масалалар киритишда сусткашликка йўл қўйилаётгани, ҳатто айрим партия гуруҳлари ўтган йил давомида бironта ҳам масалани сессия кун тартибига киритмагани аниқ мисоллар асосида танқид қилинди.

5-бет

Пленум

АСОСИЙ ВАЗИФА – ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС ИШЛАШ, ШИДДАТЛИ ДАВР ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРИШ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди. Ҳудудий партия ташкилотлари билан видеоконференцалоқа шаклида бўлиб ўтган Пленумда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги **"Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислоҳотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак"** номли маърузасидан келиб чиқиб, партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдида турган устувор вазифалар, уларни амалга ошириш механизмлари белгилаб олинди.

Пленумда партия Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов маруза қилди.

— Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида долзарб аҳамият касб этувчи ушбу йиғилиш том маънода тарихий учрашув бўлди. Маърузада ҳокимият вакиллик органлари, сиёсий партиялар ва Экологик ҳаракатнинг ўтган даврдаги фаолияти танқидий руҳда таҳлил қилиниб, ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бугунги Пленумда давлатимиз раҳбарининг мазкур маърузасида белгиланган устувор йўналишларни амалга оширишда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдида турган долзарб вазифаларни белгилаб оламиз.

4-бет

Миллий гурур

ИККИТА ОЛТИН, ИККИТА КУМУШ МЕДАЛЬ

ЁШЛАРИМИЗ ХАЛҚАРО МАТЕМАТИКА МУСОБАҚАСИДА ИККИНЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ

7-бет

Ушбу сонда:

ЯХШИ ҚЎШИҚ ЯХШИ МАТНДАН ЯРАЛАДИ

ЁХУД ШОИР-БАСТАКОР-ХОНАНДА ҲАМКОРЛИГИГА БИР НАЗАР

7-бет

ТЎКИНЛИК ВА ФАЙЗ-БАРАКА ИФОДАСИ

8-бет

"MILLIY TIKLANISH"

— мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
32 (464) 2017 йил 9 август, чоршанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида маданият соҳасини изчил ривожлантириш, жаҳон миқёсидаги ижобий тажриба ва тенденциялар, ютуқ ва натижаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш асосида маданият ва санъат муассасалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, уларнинг тармоғини кенгайтириш, моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Айни шу мақсадда 2002 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан Тошкент давлат консерваторияси учун янги бино қурилиб, у замонавий талаблар асосида жиҳозланди. Ушбу олий ўқув юртининг нуфузи ва мақомини ошириш учун унга "Ўзбекистон давлат консерваторияси" номи берилди, консерватория қошида иқтидорли ёшлар учун академик мусиқа лицейи ҳам ташкил этилди.

Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятининг танқидий таҳлили ўтган давр мобайнида ушбу олий таълим муассасаси томонидан академик ва миллий мусиқа санъати йўналишларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ўқув-педагогик ва илмий-ижодий ишларни ташкил этиш борасида муайян ютуқларга эришилганини, шу билан бирга, бир қатор жиддий камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилганини кўрсатмоқда.

Мутасадди ташкилотлар, биринчи навбатда Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан етарли даражада амалий ёрдам ва кўмак берилмагани, тегишли назорат олиб борилмагани, масъулият ва талабчанлик бўшаштириб юборилгани оқибатида Ўзбекистон давлат консерваторияси мамлакатимиз маданий ҳаётидаги ўзининг етакчи ўрни, обрў-эътибори ва таъсирини йўқотиб бораётгани, унинг фаолияти бугунги замон талабларидан орқада қолаётгани, бу борада кечиктирмасдан ҳал қилиш зарур бўлган бир қанча жиддий муаммолар мавжудлиги яққол кўзга ташланмоқда.

Жумладан, таълим-тарбия ишларининг замонавий стандартлар ва соҳанинг ўзига хос хусусиятлари асосида тўғри ташкил этилмагани, ўқув дастурлари ва методикасининг мукаммал эмаслиги, дарслик ва қўлланмаларнинг етишмаслиги, профессор-ўқитувчилар, илмий ва ижодий ходимларнинг салоҳияти аксарият ҳолларда талабга жавоб бермаслиги, консерваториянинг моддий-техник базаси ночор аҳволга келиб қолгани ташвиш уйғотмасдан қолмайди. Ўзбекистон давлат консерваториясида ўқишга қабул қилиш квоталарида номутаносиблик вужудга келгани, хусусан, 700 нафар ўқув ўрни мавжуд бўлгани ҳолда, амалда 1346 нафар талаба таҳсил олаётганини албатта нормал ҳолат сифатида баҳолаб бўлмайди.

Мана шундай камчилик ва муаммолар ўз навбатида ушбу олий таълим муассасаси олдига қўйилган вазифаларни тўлақонли ва самарали амалга оширишга, маданият соҳаси учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Халқимиз, хусусан, ёшларимизнинг дунёқараши, маънавий савияси ва эстетик тарбиясини юксалтиришда ғоят муҳим ўрин ва аҳамиятга эга бўлган мусиқа санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, бой мусиқий меросимизни чуқур ўрганиш, ёш авлодни миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг мумтоз намуналарига муҳаббат руҳида тарбиялаш, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда – Дастур деб аталади) 1-иловага;

Ўзбекистон давлат консерваториясининг таркибий тузилмаси 2-иловага;

Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Дастурнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

ўзбек халқининг миллий мусиқий мероси ва жаҳон мусиқа маданияти дурдоналари негизида мусиқа санъатини ривожлантириш, мусиқий таълим тизимини сифат жиҳатидан янада кўтариш;

аҳолимиз, биринчи навбатда ёшларни миллий ва умумбашарий мусиқа санъатининг энг яхши намуналаридан бахраманд этиш, шу асосда уларнинг маданий савиясини юксалтириш, маънавий етук ва баркамол шахсларни тарбиялаш;

мулкий ёки идоравий мансублигидан қатъи назар, мусиқа санъати, мусиқа таълими йўналиши учун кадрлар тайёрлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни жорий этиш бўйича келишувларда Ўзбекистон давлат консерваторияси методик ва ижодий жиҳатдан таянч олий таълим муассасаси эканини эътироф этиш;

Ўзбекистон давлат консерваториясининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, жумладан, концерт заллари, аудиториялар ва махсус хоналарни таъмирлаш ва замон талаблари даражасида жиҳозлаш;

консерваторияда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик маҳоратини ошириш, ўқув жараёни сифати ва савиясини тубдан яхшилаш, мусиқа санъати соҳасида жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари, ижодий марказлар, таниқли композитор, мусиқачи ва ижрочилар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, жумладан, хорижий мутахассисларни мамлакатимизга таклиф этиш билан бир қаторда республикамизда юқори натижаларга эришган мусиқачи ва педагогларнинг маҳорат дарсларини чет давлатларда тизимли ташкил этиш;

Ўзбекистон давлат консерваториясининг ёш педагог кадрларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида зарур маиший шароитлар яратиш, ипотека кредитлари асосида уй-жой билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Консерватория ва унинг таркибидаги Иқтидорли болалар академик лицейи профессор-ўқитувчилари ҳамда талабаларининг ижодий фаоллигини янада ошириш, ёзги таътил давомида ёшларнинг бўш вақти мазмунли ўтиши учун Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган санаторийни "Мусиқа оромгоҳи" деган ном билан консерватория тасарруфига ўтказиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, консерваториянинг мақоми ва нуфузини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси маданият вазири бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон давлат консерваториясининг ректори ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги:

Ўзбекистон давлат консерваториясида ўқув бинолари етишмаганлиги сабабли ҳамда талабалар контингенти сезиларли даражада ортганини инобатга олиб, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда Мирзо Улуғбек туманидаги, Мустақиллик проспекти, 31-уйда жойлашган В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейига тегишли бўлган бинони Ўзбекистон давлат консерваториясига ўрнатилган тартибда берилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уйда жойлашган бинони Ўзбекистон давлат консерваторияси тасарруфига ўтказиш ва ушбу бинода жаҳон андозаларига тўлиқ мос бўлган, академик жамоаларнинг бадиий дастурлари намойиш этиладиган, жонли ижрога мўлжалланган замонавий концерт залини барпо этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги мазкур лойиҳаларни амалга оширишда хорижий мутахассислар билан ҳамкорликда консерваториянинг лойиҳалаштириш, қурилиш ва таъмирлаш ишларида масъул этиб белгиласин.

Уч ой муддатда Ўзбекистон давлат консерваторияси биносида "Ноёб чолғулар давлат коллекцияси"ни ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин; тўрт ой муддатда Ўзбекистон давлат консерваториясига абитуриентларни ўқишга қабул қилиш бўйича ўтказиладиган касбий (ижодий) кириш имтиҳонлари тартибига ўзгартиришлар киритиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

2018 йилнинг 1 мартига қадар Ўзбекистон давлат консерваторияси муассислигида мусиқа санъати таълим-тарбияси бўйича "Мусиқа" илмий-услубий журнали фаолиятини ташкил этсин; республикадаги энг яхши болалар мусиқа ва санъат мактаблари, маданият ва санъат коллежларида консерваториянинг таянч ижодий марказларини ташкил этсин ҳамда уларга консерваториянинг етакчи профессор-ўқитувчиларини юбориб, "Маҳорат мактаби" машғулотларини ўтказишни йўлга қўйсин; ноёб ва мураккаб чолғу созларини янада пухта ўзлаштиришлари учун ҳар йили ёш ижрочилар ва техноген санъат турлари мутахассисларини хориждаги нуфузли мусиқа академиялари ва консерваторияларига келишув шартномалари асосида Маданият вазирлиги қошидаги бюджетдан ташқари Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қисқа муддатли (2-3 ойгача) ўқишга юборсин; иқтидорли ўқувчи ва талабаларнинг мамлакатимизда, хорижий давлатларда ўтказиб келинаётган нуфузли танлов, фестиваль ва илмий-ижодий конференцияларда Маданият вазирлиги қошидаги бюджетдан ташқари Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мунтазам иштирок этишларини таъминласин.

5. Қуйидагилар Дастурни амалга оширишнинг молиявий манбалари этиб белгиласин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари – 2018-2019 йилларда Ўзбекистон давлат консерваторияси қошида мусиқа соҳаси педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ва 400 ўринли ётоқхона биноларини қуриш ва жиҳозлаш қисмида;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг ташаббуси билан хайрия асосида ажратиладиган маблағлар – Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон давлат консерваториясининг бино ва иншоотларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш қисмида;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари – "Ноёб чолғулар давлат коллекцияси"ни, "Мусиқа" илмий-услубий журнали фаолиятини ташкил этиш, ёш ижрочилар ва техноген санъат турлари мутахассисларини хориждаги нуфузли мусиқа академиялари ва консерваторияларига ўқишга юбориш, иқтидорли ўқувчи ва талабаларнинг мамлакатимизда, хорижий давлатларда ўтказиб келинаётган нуфузли танлов, фестиваль ва илмий-ижодий конференцияларда иштирок этишларини таъминлаш қисмида; юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар – бошқа тадбирларни бажариш қисмида.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон давлат консерваториясида фаолият юритаётган юқори малакали ходимлар, жумладан, иқтидорли ёш мутахассислар учун муносиб тураржой шароитларини яратиш мақсадида имтиёзли ипотека кредитлари асосида Тошкент шаҳрида қуриладиган кўп қаватли уйлардан уй-жойлар ажратилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур қарор ижросини таъминлаш бўйича Ҳукуматнинг тегишли қарорини қабул қилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Х.Султонов ва А.Юнусходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2017 йил 8 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Бугунги кунда мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини изчил ривожлантириш, жаҳон миқёсидаги ижобий тажриба ва тенденциялар, ютуқ ва натижаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш асосида маданият ва санъат муассасалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, уларнинг тармоғини кенгайтириш, моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг яқинда Ўзбекистон ижодкор зиёлилари билан бўлган учрашувда сўзлаган маърузасида бу борадаги вазифалар янада аниқ-равшан белгиланиб, маданият, адабиёт ва санъат соҳасини ривожлантириш бўйича муҳим таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди. Уларнинг ижросини таъминлаш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинмоқда.

Бу борада, айниқса, "Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор алоҳида аҳамиятга эга.

Қарорда халқимиз, хусусан, ёшларимизнинг дунёқараши, маънавий савияси ва эстетик тарбиясини юксалтиришда ғоят муҳим ўрин ва аҳамиятга эга бўлган мусиқа санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, бой мусиқий меросимизни чуқур ўрганиш, ёш авлодни миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг мумтоз намуналарига муҳаббат руҳида тарбиялаш, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида муҳим вазифалар белгиланди.

Президентимиз томонидан имзоланган ушбу муҳим ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар дастури, мазкур билим юртининг янги таркибий тузилмаси, консерватория фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси таркиби тасдиқланди.

Мазкур дастурда бугунги кунда маънавий ҳаётимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қанча масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланган.

Жумладан, ёшларнинг маданий савиясини юксалтириш, уларни миллий ва умумбашарий маданиятнинг энг яхши намуналаридан бахраманд этиш, маънавий етук, миллий ғоя ва мафкурамизга садоқат билан хизмат қиладиган баркамол шахсларни тарбиялаш, ўзбек халқининг миллий мусиқий мероси негизида, жаҳон мусиқа маданияти дурдоналаридан андоза олган ҳолда, мусиқа санъатини ривожлантириш, мусиқий таълим тизимини сифат жиҳатидан янада кўтариш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастурда акс этиши лозимлигига урғу берилган.

Шунингдек, мулкий ёки идоравий бўйсунувидан қатъи назар, мусиқа санъати, мусиқа таълими йўналиши учун кадрлар тайёрлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни жорий этишда Ўзбекистон давлат консерваторияси методик ва ижодий томондан кўмаклашадиган таянч олий таълим муассасаси эканига алоҳида урғу берилган.

Ўзбекистон давлат консерваториясининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, жумладан, концерт заллари, ўқув аудиториялари, махсус машғулот хоналарини таъмирлаш ва замон талаблари даражасида жиҳозлашга катта эътибор қаратилган.

Айни вақтда консерваторияда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини янада ошириш, ўқув жараёни сифати ва савиясини тубдан яхшилаш, мусиқа санъати соҳасида жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари, ижодий марказлар, таниқли композитор, мусиқачи ва ижрочилар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, жумладан, хорижий мутахассисларни мамлакатимизга таклиф этиш билан бир қаторда республикамизда юқори натижаларга эришган мусиқачи ва педагогларнинг маҳорат дарсларини чет давлатларда тизимли ташкил этиш зарурлиги қайд этилган.

Ўзбекистон давлат консерваториясининг ёш педагог кадрларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида улар учун зарур маиший шароитлар яратиш, ипотека кредитлари асосида уй-жойлар билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари ҳам дастурда ўз ифодасини топиши кераклиги белгиланган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон давлат консерваториясида ўқув бинолари етишмаслиги, талабалар сони сезиларли даражада кўпайгани таълим-тарбия жараёнларини юқори даражада ва сифатли олиб боришда муаммо туғдирмоқда. Қарорда ана шу масалани самарали ҳал этиш чоралари белгиланган. Шу мақсадда мутасадди ташкилотларга 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 31-уйда жойлашган В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейига тегишли бўлган бинони Ўзбекистон давлат консерваториясига ўрнатилган тартибда бериш ҳамда Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уйда жойлашган бинони Ўзбекистон давлат консерваторияси тасарруфига ўтказиш ва ушбу бинода жаҳон андозаларига тўлиқ мос келадиган, академик жамоаларнинг бадиий дастурлари намойиш этиладиган, жонли ижрога мўлжалланган замонавий концерт залини барпо этиш вазифаси топширилган.

Консерваториянинг маданий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси маданият вазири бир вақтнинг ўзида консерватория ректори вазифасини ҳам бажариши қарорда белгилаб берилган.

Шу билан бирга, ўқитувчи ва талаба ёшларнинг илмий салоҳиятидан унумли фойдаланиш учун Ўзбекистон давлат консерваторияси муассислигида "Мусиқа" илмий-услубий журнали фаолиятини йўлга қўйиш вазифаси белгиланган.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қарор Президентимиз томонидан миллий мусиқа санъатимиз ривожига кўрсатилаётган юксак эътиборнинг яна бир амалий намунаси бўлиб, у Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини тубдан такомиллаштириш, мусиқа санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш даражасини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга қаратилгани билан ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

ХАЛҚ КЎНГЛИДАГИ ГАПЛАРНИ АЙТИШИМИЗ КЕРАК

Бурҳон ШАРОПОВ,
кинорежиссёр, ЎзМТДП фаоли:

— Давлатимиз раҳбари ўз маърузосида ўзбек кино санъатининг бугуни ва истиқболига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Юртбошимизнинг "Агар биз аждодларимиз хотирасини улуғламоқчи, шу асосда ўзбек номини, Ўзбекистон номини бутун дунёга тараннум этмоқчи эканмиз, бу ишни биринчи навбатда кино санъати орқали амалга оширишимиз керак. Айнан кино санъати орқали жаҳон экранларини забт этишимиз, шу йўл билан дунё аҳлининг диққат-эътиборини қозонишимиз мумкин", деган фикрлари барча театр ва кино ижодкорларини руҳлантириб, зиммамизга катта масъулият юклади.

Дарҳақиқат, юртимиз буюк ва шонли ўтмишга эга. Улуғ аждодларимиз қолдирган бой мерос бутун дунё аҳлини ҳайратга солиши шубҳасиз. Уларнинг ҳар бири ҳақида фильм яратиш мумкин.

"Ижодкорларимиз тарихий мавзуга қўл урар эканлар, кўламни кенгроқ олишга, маррани баланд қўйишга алоҳида эътибор қаратишларини истардик", дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Кино ижодкорлари зиммасига бир қатор вазифалар юклаш билан бирга кўплаб имтиёзлар берилгани бизни руҳлантириб юборди. Хусусан, давлатимиз раҳбари билан бўлган мазкур учрашувдан сўнг куни кеча "Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилингани кино соҳасига қаратилаётган эътибор ва рағбатнинг ёрқин намунасидир. Унга мувофиқ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга асосланиб, халқимиз, аввало, ёшлар онгига миллий истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, она Ватанга муҳаббат туйғуларини сингдиришда катта таъсир кучига эга бўлган кино санъатининг ролини ошириш, "Ўзбеккино" Миллий агентлигининг фаолиятини такомиллаштириш назарда тутилган.

Қарорга асосан "Ўзбекфильм", "Қорақалпоқфильм" ҳамда Илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияларини таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини кучайтириш, энг замонавий технологиялар билан таъминлаш, янги кинотеатрлар қуриш кўзда тутилгани барча ижодкорларни қувонтирди.

Айниқса, вилоятдан келган ёш ижодкорларнинг уй-жой масаласи билан боғлиқ муаммосини ҳал этиш учун Тошкент ва Нукус шаҳарларида, барча вилоятлар марказларида имтиёзли кредит асосида "Ижодкорлар уйлари" барпо этилиб, истеъдодли ёш ижодкорлар учун квартиралар ажратилиши ҳам ижод аҳли учун берилган катта имкониятдир.

Биз кино ижодкорларидан эса ушбу яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, янги-янги асарлар яратиш, халқимиз маънавияти янада юксалишида сидқидилдан хизмат қилишимиз талаб этилади.

Баҳодир ШАРОПОВ,
Самарқанд вилоят мусиқали драма театри директори, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари:

— Шу кунларда ким билан суҳбатлашманг, Президентимизнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари билан учрашуви том маънода, тарихий воқеа бўлгани ҳақида айтяпти. Бу гаплар айни ҳақиқат.

Учрашувда адабиёт, санъат, маданиятнинг бошқа йўналишлари қатори театр санъати ҳақида ҳам барча ҳақиқатлар айтилди. Муаммолар, уларни ҳал этиш чоралари юзасидан таклифлар билдирилди. Президентимиз ўз сўзида аксарият театрларимиз репертуарлари ғоявий-бадиий жиҳатдан ночор, спектакларда бугунги кун нафаси, одамларни ўйлантираётган, ҳаяжонга солаётган жиддий ижтимоий муаммолар йўқ эканини алоҳида қайд этди.

Рости, бу гаплар, қанчалик аччиқ бўлмасин, ҳақиқат. Гоҳида одамларни театрга қайтардик, қабилидаги мақтовларни айтишни хуш кўрамиз. Бироқ одамлар, театр ихлосмандлари ҳозир, асосан, қайси спектакларни кўряпти? Уларнинг бадиий-эстетик савияси қай даражада? Театр саҳналарида "бозори чаққон" деб, маиший мавзулардаги енгил-елпи, бачкана асарлар намойиш этилаётганини ҳам бугун мардона тан олишимиз керак.

Учрашувда айтилган танқидий фикрлар, билдирилган таклифлар менга нафақат театр раҳбари, балки депутат сифатида ҳам улкан масъулият юклади. Чунки партиямиз сайловолди Платформасида ёшларга маънавий ибрат бўлиб хизмат қила оладиган, ёш авлодни миллий ғоя, жасорат ва матонат руҳида тарбиялашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган фаол замондошларимизнинг бадиий образлари таъсирчанлигини кучайтириш асосий вазифа этиб белгиланган. Демакки, энди театримиз репертуарини бошқатдан кўриб чиқиш, таъбир жоиз бўлса, "элакдан ўтказиш" вақти келди. Театрларимизда бугунги замондошларимиз, замонавий қаҳрамон образларини гавдалантириш, тарихий драмаларни саҳналаштириш зиммамиздаги энг асосий вазифалардан саналади.

Самарқанд вилоят мусиқали драма театри жамоаси бугунга қадар саҳналаштирган, кенг жамоатчилик эътироф этган "Мирзо Улуғбек", Алишер Новоийнинг Самарқанддаги ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги "Самарқанд сайқали", шунингдек, "Шоҳ Эдип", "Имон" каби спектакларни саҳналаштириш ишини изчил давом эттиради. Энг муҳими, халқимизга, театр ихлосмандларига бадиий пишиқ, юксак савиядаги саҳна асарларини тақдим этишни қатъий мақсад қилганмиз. Бу йўлда тинмай изланиш, фидойилик билан меҳнат қилиш ва маънавият деб аталмиш улкан хазина ривожига муносиб ҳисса қўшиш ҳам қарз, ҳам фарз.

Ортиқали Қозоқов,
Ўзбекистон халқ рассоми,
ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзоси:

— Рангларни инсон руҳияти, дунёқараши ва қалб кечинмаларини ифодаловчи алифбога менгзаш мумкин. Мана шу алифбонинг бор жозибаси мусаввир маҳорати ва санъати орқали намоён бўлади. Санъатнинг барча йўналишлари каби тасвирий санъат ҳам инсон камолотига хизмат қилади. Шу боис мамлакатимизда рассомлик санъати ривожига катта эътибор қаратилаётир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 3 август куни мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувда Бадиий академия фаолиятига танқидий баҳо берди. Академияда 2003 йилдан буён сайлов ўтказилмагани, ҳозирги вақтда 10 та ҳақиқий аъзолик ўрни бўшаб қолганини таъкидлаб, соҳада ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича берган таклифлари ўзини ижодкор деган ҳар бир кишига янги куч-ғайрат, илҳом бағишлагани шубҳасиздир.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини ривожлантириш бўйича қарор лойиҳасида тайёрланаётгани ҳақидаги гаплари биз, мусаввирларнинг кўнглимизни тоғдек кўтариб юборди. Унга мувофиқ Бадиий академия аъзоларининг ижтимоий таъминот шароитлари Ўзбекистон Фанлар академияси аъзоларининг ижтимоий таъминот шароитларига тенглаштирилиши биз мусаввирлар учун катта рағбатдир. Қарор лойиҳасидаги яна бир муҳим масала — рассом ва ҳайкалтарошлар яратган асарларни давлат музейларига сотиб олиш учун Маданият вазирлигига ҳар йили 2 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратиш белгиланаётгани, айниқса, ёш рассомлар учун катта имкониятлар яратади.

Шу ўринда ўз таклифларимни ҳам билдирмоқчиман: Тошкент фотобиеннналисини юқори савияда ўтказиш учун махсус ишчи гуруҳ ташкил этиш керак. Бундан ташқари мамлакатимиз рассомлари учун гўзал табиат қўйнида халқаро даражадаги ижодий лаборатория ташкил этилса, унда рассомларимиз дунёнинг етук мусаввирлари билан биргаликда асарлар яратса, тасвирий санъат соҳасидаги халқаро ҳамкорлик ва алоқаларимиз доираси янада кенгайган, бунга кенг йўл очилган бўлади. Ҳолбуки, бундай тажриба дунёнинг кўплаб ривожланган давлатларида мавжуд.

Наби ЖАЛОЛИДДИН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси:

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг адабиёт, маданият ва санъат намояндалари билан учрашуви ижодкор аҳлини ҳаяжонга солди ва қалбимизда ўчмас из қолдирди, дейиш учун барча асосларимиз бор. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг соҳадаги барча муаммо ва камчиликларни чуқур билиши, уларни бартараф этишга қаратилган энг таъсирчан ва самарали чораларни кўриш, ижодкорларга зарур шарт-шароит ва имкониятларни яратиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги илҳомбахш таклифлари, қарор лойиҳалари барчамизнинг дилимизни мунаввар этди.

Учрашувда Президентимиз айни пайтда ўзбек адабиёти бир жойда депсиниб тургандек таассурот уйғотаётгани ва ижодкорлар ўз шахсий муаммолари билан ўралашиб қолаётганини бежиз таъкидламоди. Чиндан ҳам бугун халқимиз қалам аҳлидан ҳақиқий замон қаҳрамонлари образлари яратилишини кутмоқда. Ахир бугун мамлакатимиз бунёдкорлик майдонига айланди. Шундай экан, бадиий асарларда ҳам ана шу жиҳатлар ўз аксини топиши, халқимизнинг фидойи фарзандлари тимсоли юксак бадиий савияда гавдалантирилиб, ёшларимизга ўрнак қилиб кўрсатилиши лозим. Бу, ўз навбатида, ёзувчи ва шоирлар гарданига улкан масъулият юклайди.

Бугун ижодкорлар, хусусан, қалам аҳлига яратилаётган шароит, уларга берилаётган эътибор ҳақида узоқ сўзлаш мумкин. Биздан талаб этиладигани эса — ана шу рағбатга муносиб бўлиш. Бу борада амалга ошириладиган ҳар бир лойиҳа, ҳар бир амалий саъй-ҳаракатимиз нафақат адабиёт ва санъат ривожига, балки ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган дастурий мақсад-вазифалар рўёбига ҳам хизмат қилади. Зеро, бу борада илгари сурилган дастурий вазифаларимиз талай. Бунинг учун эса тинимсиз изланиш, туну кун бедор бўлиш, халқимиз кутаётган асарлар яратиш, уларнинг кўнглидаги гапларни айтишимиз керак. Президентимиз айтганидек, насиб қилса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз, бўлади!.

Брифинг

Шу йилнинг 5 августида бўлиб ўтган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашининг X Пленумида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида белгиланган устувор йўналишларни амалга ошириш юзасидан партиянинг чора-тадбирлар Дастури қабул қилинди.

ПАРТИЯ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ҲАҚИДА АХБОРОТ БЕРДИ

Дастурда белгиланган вазифалар, чора-тадбирларга бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов партия ташкилотларининг ва Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг ўн етти устувор вазифаси белгиланган, улар — бир қатор қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда ташкилий, амалий тадбирларни амалга оширишдан иборатлиги ҳақида ахборот берди.

Брифингда таъкидланганидек, ушбу ҳужжатда "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ғоявий ва мафкуравий дастурларини такомиллаштириш, мамлакатимиз ҳаётида амалга оширилаётган ислоҳотларга партиянинг позициясини билдириш ва уни кенг жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда ишлаш, чиқишларни кўпайтириш чоралари кўзда тутилган. Партия фракцияси ва гуруҳларининг ижро ҳокимияти идоралари фаолияти устидан самарали парламент ва депутатлик назоратини ўрнатиш юзасидан янги тизим яратиш белгиланган.

Дастурдан партиянинг аҳоли билан мулоқотини, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, "Ёшлар қаноти" фаолияти, кадрлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, партия аппарати ходимлари учун махсус ўқув курслар ташкил этиш ҳамда ҳудудий партия ташкилотлари моддий-техник таъминотини янада яхшилаш, партиянинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини, партия ташкилотларининг фракция билан узвий алоқасини кучайтириш, қонунларни қабул қилишда жамоатчилик ва сайловчиларнинг кенг иштирокини таъминлаш каби устувор вазифалар ўрин олганлиги алоҳида таъкидланди. Фракциянинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишга қаратилган ишларини жадаллаштириш, фракция аъзолари томонидан жойларда олиб борилаётган ишларнинг ҳақиқий аҳволини ўрганиш жараёнини янада такомиллаштириш борасида аниқ вазифалар ва уларни амалга ошириш механизмлари кўрсатиб ўтилган.

Партия раҳбари таъкидлаганидек, мазкур чора-тадбирларнинг амалга оширилиши партиямиз мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишга, электорат манфаатларини самарали ҳимоя қилишга ҳамда сайловчиларнинг партияга бўлган ишончини янада оширишга хизмат қилади. Бунинг учун эса барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлар ушбу чора-тадбирлар Дастурининг ижросини таъминлаши лозим.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Юлдуз ТУРДИЕВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

— Мақом йўлидаги мумтоз куй-қўшиқларимиз тингловчи руҳига ҳаловат, таскин, ўзига хос маънавий қувват бағишлайди. Шу боис уларни наинки мамлакатимизда, балки хорижий давлатларда ҳам мусиқа ихлосмандлари катта қизиқиш ва эътибор билан тинглайди.

Президентимиз юртимиз ижодкор зиёлилари билан бўлган учрашувда мақом йўналишини янада кенг ривожлантириш, янги коллеж ёки мусиқа мактабларини очиш, уларда ўз соҳасининг ютуқ мутахассислари "устоз-шогирд" анъанасини йўлга қўйиши лозимлигини бежиз таъкидламади. Боиси мақомда аждодларимизнинг бой маънавияти ва маърифати, эзгу орзу-интилишлари мужассам.

Уни англаб ижро этиш учун хонанданинг, аввало, руҳи тоза бўлиши керак. Ана шундай ижрони тинглаган мухлис ҳам ўзида руҳан покланишни ҳис қилади. Бу йўналишдаги мусиқа инсон ҳис-туйғуларини, орзу-истакларини ўзига хос бадиий тилда ифода этиб, кишининг ҳиссиётига, эстетик ва ахлоқий тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Гўзалликка бўлган интилишнинг ривожланишига замин яратади.

Давлатимиз раҳбари "Биз халқимизнинг ноёб мероси бўлган мақом санъатини нафақат юртимизда, балки бутун дунё бўйлаб кенг тарғиб қилиш, керак бўлса, халқаро миқёсда мақом танловларини ташкил этиш устида ишлашимиз керак", деб таъкидлади. Бу, биз ижодкорлардан янада фаоллик ва изланишни талаб қилади.

Ёш истеъдодларни тарбиялаш, айниқса, чекка қишлоқлардаги истеъдод эгаларини кашф этишда янада катта куч-ғайрат билан ишлашимиз керак. Агар олис ҳудуддан битта бўлса ҳам ноёб истеъдодни топиб, катта саҳнага олиб чиқсак, ана шунда давлатимиз раҳбари зиммамизга юклаётган вазифаларнинг амалга оширилишига оз бўлса-да ҳисса қўшган бўламиз.

Лайло АҲМЕДОВА,
Юнусобод туманидаги "Бегубор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ЎзМТДП фаоли:

— Ўзбекнинг нимаси кўп — тўйи кўп: ҳовли тўйи, бешик тўйи, суннат тўйи, никоҳ тўйи... Афсуски, айрим тўй-ҳашам, маросим ва маракалардаги исрофгарчиликлар чидаб бўлмас даражага етмоқда.

Яқинда бир тўйда бўлдик: ҳашам билан безатилган тўйхонага келин-куёв кириб келди. Қарасак, келиннинг дугоналари қип-қизил бўлиб, бир хил кийиниб олган. Бир хил ранг, бир хил бичимдаги либослар қизларнинг баҳзисига ярашган, айримларида беўхшов турибди. Сўнг саҳна экранида келин-куёвнинг "Севги тарихи" (Love story) намойиш этила бошланди: йигит ва қизнинг мавсумга қараб ҳали боғда, ҳали тоғда гул ушлаб юриши, дарё бўйида чопқиллаши... Баъзи даврада пичир-пичир бошланди: "Ҳали шаърий никоҳ ўқилмаган бўлса? Ота-онасининг кўзи қаёқда?"

Ўзимизнинг тўйлардаги миллий қадриятларимиз ўрнини эгаллашга уринаётган бундай бегона кўринишлар, бу ҳолнинг ҳаддан ошиши, мана, бугун энг олий минбарда ҳам танқид қилинди.

Президентимиз мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувда бу ҳолатга тўхталар экан, бугун ҳаётимизда кўпайиб бораётган оилавий можаролар, уруш-жанжаллар, ажралишлар, қудалар ўртасидаги совуқчилик сабаблари ҳам аксарият ҳолларда худди шу нарсага бориб тақалишини таъкидлади. Энг ёмони, айрим пул топиб ақл топмаган, маънавий савияси паст кимсалар тўй-ҳашамлар, маъракаларни ўтказиш бўйича мусобақа ўйнаб, турли-туман янги одатларни ўйлаб топаётгани жиддий танқид қилинди.

"Мана, Тошкентдаги тўйларда "келинновкар" деган яна бир бало чиқибди. Нима эмиш, энди келиннинг ота-онаси қизига қўшиб унинг ўнлаб дугоналарини ҳам бир хил кийинтириши, ясантириши керак экан. Бундай бемаза қилиқлар қаердан чиқяпти? Ёшларимиз кимдан ўрганяпти буни?", деган фикрлар бу борада бепарво бўлмаслигимизга ундайди", деди давлатимиз раҳбари.

Шу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун, аввало, оналар ақлли бўлиши, қизларига тўғри маслаҳат бериши керак. Бироқ кўпинча уларнинг ўзи қизига қўшилиб, бундай "одат"ларга бош бўлмоқда. Оила бошлиғи бўлмиш отани ҳали-жонига қўймай, қарз-ҳавола қилиб бўлса ҳам айтганини қилдирмоқда.

Давлатимиз раҳбари шу боис йиғилишда оилавий маросимларни тартибга солиш, уларни ихчам, исрофгарчилик ва дабдабага йўл қўймасдан ўтказиш бўйича Президент қарори лойиҳасини тайёрлаш вазифасини топширди.

Ижодкорлар билан учрашув замонамизнинг ана шундай ўта долзарб ва нозик масалаларига бағишлангани билан ижтимоий-маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. Унда жамиятимизда учраётган ижтимоий муаммолар ҳаётий мисоллар асосида таҳлил этилиб, барча давлат ва жамият ташкилотларига аниқ вазифалар белгилаб берилди. Бинобарин, ҳар қандай ҳолатда ҳам фарзанд келажаги, унинг кейинги тақдири биринчи ўринда туриши керак.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида ҳам оилалар ҳаётида ҳамон сақланиб қолаётган нохуш ҳолатлар (тўй маросимларини ўта дабдабали қилиб ўтказиш ва исрофгарчиликка асосланган бошқа тадбирлар)га барҳам беришга қаратилган вазифалар белгиланган. Шу боис партия фаоллари ҳам бу борадаги ишларни қайта кўриб чиқиши, бу йўналишда барчамиз ҳамжиҳатликда иш олиб боришимиз жуда муҳим.

АСОСИЙ ВАЗИФА — ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС ИШЛАШ, ШИДДАТЛИ ДАВР ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРИШ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Давлатимиз раҳбари видеоселектор йиғилишида биз — партия вакиллари, депутатлардан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг нафақат иштирокчиси, балки ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлишимиз ва бошқаларга намуна кўрсатишимиз зарурлигини алоҳида таъкидлади. Энг муҳими, партиявий фаолиятда йўл қўйган камчиликларимиз рўй-рост айтилди. Шу боис, бугунги Пленумда мазкур масалаларни яна бир бор муҳокама қилиб, партия ташкилотлари ва барча даражадаги депутатларимиз фаолиятини тубдан такомиллаштириш ҳамда бутунлай янгича иш тизимларига ўтишга қаратилган зарур қарорларни қабул қилишимиз даркор. Сиёсий партияларнинг ғоявий ва мафкуравий дастурларини такомиллаштириш зарурати Президентимиз маърузасида алоҳида таъкидлаб ўтилгани ҳам бежиз эмас. Чунки, бугун партиянинг дастурий ҳужжатлари ва тизимда олиб борилаётган сиёсий-мафкуравий ишларимиз талабга жавоб бермайди.

Партиянинг таянч устуни — унинг ғояси ва мафкураси. Ғоя ва мафкура эса бир жойда қотиб қолмаслиги ва ҳамиша замоннинг энг долзарб талабларига ҳамоҳанг бўлиши лозим. Шу йилнинг бошида мамлакатимизда тарихий ҳужжат — Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. Аммо бу дастуриламал ҳужжатда белгиланган вазифалар ҳанузгача партиянинг Дастурида акс этгани йўқ. Фаолиятимиз замон талабларидан, халқимизнинг орзу-интилишларидан ортда қолмоқда, десак хато бўлмайди.

Турли даражадаги барча йўналиш ва соҳалар бўйича партиявий тадбирларимизда муҳокама қилинган масалалар қай даражада партия ғояларига мослиги, маърузаларнинг савияси, тадбирдан кўзланган мақсаднинг тар[illegible] ва саёзлиги каби жиҳатлар эътиборимиздан четда қолиб келган. Оқибатда, давлатимиз раҳбари айтганидек, партиялар фаолияти қуруқ мажлисбозлик ва расмиятчиликдан иборат бўлиб қолган.

Биз ўтган йилдан бошлаб партия тизимида тадбирлар сонини кескин камайтирган эдик. Ишимизни лойиҳалар асосида ташкил этиш ва бу орқали амалий ишлар билан шуғулланиш амалиётига ўтмоқдамиз. Шундай бўлса-да, кўп лойиҳаларимиз ижросида яна расмиятчиликка берилиб қоляпмиз: шов-шув кўп, аммо самара оз. Афсуски, бу ҳақиқат. Шундай экан, бугундан бошлаб партия тизимида мафкуравий ишларимизни тубдан кучайтиришимиз керак.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: партия ғоясини одамлар учун таъсирчан, аудиовизуал кўринишда тарғиб қилиш, ҳудудий партия ташкилотларида электорат билан ишлашда қўллаш учун ўқув-қўлланма, йўриқнома ва рисолалар чоп этиш учун ким бизга халақит беряпти? Нима учун мафкуравий ишлар йўналишидаги ходимларимиз, вилоят кенгаши раисларининг мафкуравий ишлар бўйича ўринбосарлари бу ишлар билан шуғулланмаяпти, таклиф ва ташаббуслар илгари сурилмаяпти?

Шундан келиб чиққан ҳолда, партия Дастурини йўналишлар доирасида қайта кўриб чиқиб, Президент маърузасида илгари сурилган ғоя ва вазифалар асосида бойитиш олдимизда турган дастлабки ва энг муҳим вазифалардан биридир. Бу борада партия миллий мерос ва қадриятларни тиклаш, уларни янада бойитиш, туризм соҳасини ривожлантириш борасидаги муаммолар, имкониятлар, яратилган шароитларни ўрганиш, мавжуд ҳолатни яхшилаш юзасидан амалий чоралар кўриш, бу соҳада кадрлар тайёрлаш, ўқув дастурларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишимиз зарур.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолияти устидан фракциямиз орқали парламент назоратини ўрнатиш, тарихий обидаларни тиклаш ва таъмирлаш, буюк аждодларнинг қадамжоларини обод этиш бўйича ҳамда миллий тарихимизни ўқитиш юзасидан таълим муассасаларида олиб борилаётган ишларни тизимли ўрганиш ва бу борада ўқув дастурларини такомиллаштириш бўйича партиянинг таклифларини тайёрлаш лозим.

Партиямиз дастурий мақсад ва вазифаларини қайта кўриб чиқиб, уларга зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида гап кетар экан, энг муҳими, партия Дастурига мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифалар биз учун асос бўлиши керак. Шунингдек, бу борада таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида хорижий тажрибани ўрганишимиз зарур. Халқаро уюшмалар ва иттифоқлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, уларга аъзо бўлиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқамиз. Ҳар йили камида икки маротаба сайловолди Платформамизда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишини партия фаоллари, кенг аҳоли қатламлари, электорат вакиллари иштирокида муҳокама қилиш тизимини жорий этамиз. Бу дастурларимизни доимий такомиллаштириб боришга хизмат қилади. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **"Ҳар қандай сиёсий партия замон билан ҳамнафас бўлиб, унинг ўткир талабларига жавоб берган тақдирдагина сиёсий куч сифатида яшай олади".**

Партия етакчиси ўз маърузасида мамлакатимиз ҳаётида амалга оширилаётган ислоҳотларга партиянинг позициясини билдириш, уни кенг жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни кучайтириш, партия фракцияси ва гуруҳларининг ижро ҳокимияти идоралари фаолияти устидан самарали парламент ва депутатлик назоратини ўрнатиш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

— Бевосита фракциянинг ўтган олти ойдаги фаолиятини таҳлил этсак, депутатларимиз фаолиятига тўғри ва ҳаққоний баҳони Президентимиз берди, — деди партия раҳбари. —Хулоса шуки, фракциядошларимиз қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил йўналишларида маълум бир ишлар қилган бўлса-да, партиянинг сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, жамият ҳаётининг энг муҳим масала-муаммоларини пухта ўрганиб, асосли хулосалар тайёрлаш ҳамда уларни янги ва амалдаги қонунларга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш орқали ҳал қилиш, халқ ва сайловчиларни ўйлантираётган муаммолар ечими юзасидан дадил ва аниқ таклифларни илгари суриш, ижро ҳокимияти устидан парламент назоратини таъминлашда сусткашликка йўл қўйди.

Хусусан, депутатларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида тайёрланган қонун лойиҳаларида саноқли фракциядошимиз иштирок этди. Президентимиз таъкидлаганидек, қонун ижодкорлиги борасида фракциямиз ўтган икки ярим йил давомида яхлит янги қонун лойиҳасини ҳали Қонунчилик палатасига кирита олмади. Фракциянинг назорат-таҳлил йўналишидаги фаолияти жорий йил биринчи ярим йиллигида Қонунчилик палатаси ялпи мажлисида ташкил этилган эшитувларда фракция аъзоларининг иштироки билан чекланиб қолди. Яъни фракцияда ҳисобот даврида биронта ижро ҳокимияти идораси раҳбарининг ҳисоботи эшитилмади.

Президентимиз видеоселектор йиғилишида ҳар бир партиянинг дастурида вазифалар ва йўналишлар аниқ белгиланганги, ушбу соҳалар бўйича жавоб берадиган вазирлик ва давлат қўмиталари аниқлигини таъкидлаб, нима учун партиялар ана шу вазирлик ва қўмиталар фаолияти устидан ўзларининг вакиллик органларидаги фракцияси ва партия гуруҳлари орқали парламент ҳамда депутатлик назоратини самарали амалга оширмаяпти, деган масалани кўтарди. Шундан келиб чиққан ҳолда, партия мақсад ва дастурий вазифалари асосида назорат қилинадиган давлат бошқаруви органларини аниқлаб олишимиз зарур. Бу борада партия сайловолди Платформасидан келиб чиқиб, Маданият вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолияти устидан самарали парламент ва депутатлик назоратини йўлга қўямиз. Бунинг учун Маданият вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, уларнинг ҳудудлардаги бўлимлари ҳисоботи ва ахборотини фракция мажлислари ҳамда партия гуруҳлари ташаббуси асосида маҳаллий Кенгашларда эшитиш бўйича 2017-2018 йилларга мўлжалланган Иш режани ишлаб чиқамиз.

Ўтказилган эшитувлар натижалари бўйича камчилик ва муаммоларнинг ечимини топиш, уларни бартараф қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, уларни тегишли давлат бошқаруви органларига киритиш ва амалиётга татбиқ этилишини назорат қилиш лозим.

Миллий парламентимизни ҳақиқий демократия мактабига айлантиришда фракция аъзоларининг ролини кучайтиришимиз даркор. Бу уларнинг фракцияларарo баҳс-мунозара, принципиал тортишувлардаги иштироки, ўзининг депутат сифатидаги позициясини аниқ намоён этиш билан амалга оширилади.

Пленумда ҳисобот даврида фракциянинг 23 йиғилиши ўтказилгани ва уларда 113 масала кўриб чиқилгани қайд этилди.

Хўш, фракция йиғилишида муҳокама этилган қонун лойиҳалари ва бошқа масалалардан ҳудудий партия ташкилотлари вакиллари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари қай даражада хабардор? Ёки бўлиб ўтган фракция йиғилиши кун тартибидаги қайси бир қонун лойиҳаси партия вилоят кенгаши йиғилишида муҳокама этилди? Афсуски, бу саволга жавоб топиш қийин.

Таъкидлаб ўтилдики, қонун ҳужжатларини жойларга етказиш ва ижросини таъминлаш жараёнида ҳудудий партия ташкилотлари ролини кучайтириш, ушбу фаолиятни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, муайян қонуннинг ижро этилиши ҳолатини назоратга олиш амалиётини йўлга қўйиш лозим.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **сиёсий партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси фаолиятини кучайтирмасак, қонун ижодкорлиги ва қабул қилинган қонунлар ижроси кутилган натижани бермайди.** Шу маънода олдимизда турган навбатдаги муҳим вазифа — партия ташкилотларининг фракция билан узвий алоқасини кучайтиришдир.

Очиғини айтганда, ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотларимизнинг барчаси ҳам фракцияда кўриб чиқилаётган масалалар, қонун лойиҳаларидан етарлича хабардор эмас. Фракция аъзоларини ҳудудий ташкилотларимиз томонидан доимий равишда жойлардаги вазият, электоратнинг кайфиятидан хабардор этиш, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан таклифлар киритиб бориш амалиёти партиямизда мавжуд эмас. Шундай экан, авваламбор, барча даражадаги партия ташкилотларини, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзоларини фракцияда кўриб чиқилаётган масалалардан етарлича хабардор қилиб бориш тизимини жорий қилишимиз даркор.

Марказий кенгаш қонун ва Қонунчилик палатаси қарорлари лойиҳалари юзасидан ҳудудий, маҳаллий ва бошланғич партия ташкилотларидан келиб тушадиган фикр-таклифларни умумлаштиради. Партия фаолиятнинг асосий йўналишлари ва сайловолди Платформасидан келиб чиққан ҳолда қонун лойиҳалари ва Қонунчилик палатаси қарорлари лойиҳалари юзасидан таклифлар ва умумий позиция шакллантирилади. Шунингдек, аниқланган муаммоларни тизимли ҳал қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади ва у "фракциянинг фаолиятида фойдаланиш учун" ҳужжат шаклида юборилади. Аниқланган муаммоларга парламент ва депутат назорати институтларидан фойдаланган ҳолда ечим топиш, ишлаб чиқилган таклифлардан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда қонунларни такомиллаштиришда фойдаланиш учун фракцияга юборилади.

Пленум иштирокчилари Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг маҳаллий Кенгашлардаги гуруҳлари фаолиятини кучайтириш масаласини муҳокама қилар экан, бугун улар қонун ва ҳукумат қарорлари ижроси устидан депутат сўровларини амалга оширишда, мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш ҳамда Кенгаш доимий комиссиялари йиғилишларига таклиф киритишда сусткашликка йўл қўяётгани танқид қилинди. Айрим депутатларнинг ўз ваколатларидан тўлақонли фойдаланмаслиги, баъзи депутатларнинг партия ташкилотлари билан алоқани узганлиги каби салбий ҳолатлар тилга олиб ўтилди. Шундан келиб чиққан ҳолда, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларда партия гуруҳининг ижрочи котиби лавозимини жорий этиш, депутатларнинг партия ташкилотлари ва ўз сайловчилари билан тизимли мулоқотини йўлга қўйиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишда партия гуруҳлари ва ташкилотлари ролини ошириш, бу борада жойларда **"марказ-вилоят-туман"** тартибида ишлайдиган янги тизим жорий этиш зарурлиги таъкидланди.

— Давлатимиз раҳбарининг видеоселектор йиғилишидаги маърузасидан келиб чиқадиган яна бир муҳим вазифа бу — партиянинг аҳоли билан мулоқотини, тарғибот-ташвиқот ишларини, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини кучайтиришдан иборатдир, — деди партия етакчиси. — Бугунги кунда бу борадаги ишимиз талабга жавоб беради, дея олмаймиз. Партия фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш ва кенг жамоатчиликни партия ҳаёти билан мунтазам равишда хабардор қилиб бориш муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳар биримиз яхши тушунамиз. Шунинг учун партия тизимида жамоатчилик билан алоқаларни мунтазам равишда замон талаблари асосида кучайтириб боришга алоҳида эътибор беришимиз зарур.

Халқ билан мулоқот қилишда партия ташкилотларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни тубдан кучайтиришимиз, уларнинг ҳар бирини имкон қадар партия иштирокида кўриб чиқиб, ҳал қилинишини таъминлашимиз даркор. Ҳисобот даврида партия Марказий кенгаши, ҳудудий ва маҳаллий ташкилотларга жисмоний ва юридик шахслардан 3 минг 196 та мурожаат келиб тушди. Мурожаатларнинг 533 таси бандлик, 615 таси коммунал хизматлар, 270 таси уй-жой ва ер масалаларига тегишли. Иш ҳақи, нафақа ва пенсиялар масаласида 237, ижтимоий аҳамиятга молик ва соғлиқни сақлашга тегишли 502, банк-кредит масаласида 360 мурожаат бўлган. Мурожаатларнинг 1 минг 772 таси ижобий ҳал этилди, 736 тасига юридик маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Пленумда таъкидланганидек, аҳоли билан доимий мулоқотни амалга ошириш мақсадида жойларда сайёр қабуллар ташкил этиш, партия вилоят кенгашлари раҳбарларининг туманларда, Марказий кенгаш раҳбарларининг вилоят ва туманларда сайёр қабуллари доимий равишда ташкил қилиш ва бу мақсадда режалар ишлаб чиқиш зарур. Мазкур қабуллар давомидаги мурожаатларда кўтарилаётган ва аниқланган муаммоларнинг ечимини топиш, умумлаштириш ва уларни ўз жойида ҳал қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш лозим.

Пленумда партия "Ёшлар қаноти" фаолиятини такомиллаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова таъкидлаганидек, партия тизимида ёшлар билан ишлаш йўналишида жорий йилда "Ёшлар қаноти" "Хизмат — беминнат", "Навоий ворислари", "Депутат билан юзма-юз" каби янги лойиҳаларни амалга оширди. Лекин булар етарли эмас. Партия ёшлар билан ишлаш масаласини ўзининг ижтимоий соҳадаги сиёсати марказига кўяр экан, "Ёшлар қаноти" фаолиятини замон талаблари даражасида такомиллаштириш лозим.

Йиғилишда "Ёшлар қаноти"нинг уюшмаган ёшлар билан мулоқоти қониқарсиз йўлга қўйилгани танқид қилинди. Бу борада ёшлар билан ишлашнинг ҳамкорликдаги аниқ механизмини шакллантириш, ёшларни қийнаётган муаммоларга ечим топиш бўйича муҳим вазифалар белгиланди.

Таъкидланганидек, партия "Ёшлар қаноти" туман ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари, ички ишлар органлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгашлари билан ҳамкорликда ҳар бир ҳудуд, маҳалла кесимида турли сабабларга кўра чет элга чиқиб кетган, диний оқимлар таъсирига тушиб қолган, ўқимайдиган, тайин бир машғулотга эга бўлмаган ёшлар ва уларнинг ота-оналари билан доимий равишда учрашувлар ўтказиб бориши зарур. Бу масала партия гуруҳлари томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессияларига олиб чиқилиши, бу борада вилоят, туман миқёсида дастурлар тасдиқланиб, уларнинг ижроси доимий равишда депутатлик назоратига олиниши керак.

Энг муҳими, депутатлар ва партия фаоллари бу масалалар ечимида асосий ижрочи бўлишига, партия тизимида ёшлар билан ишлашни янада такомиллаштириш мақсадида ҳудудий партия ташкилотлари тузилмасига ўзгартиришлар киритишга келишиб олинди.

Очиқ ва ошкора мулоқот тарзида бўлиб ўтган Пленумда кун тартибидаги масалалар юзасидан музокаларда сўз олган партия фаоллари ва депутатлар ўзларининг фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифларини билдирдилар.

Якунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида белгиланган устувор йўналишларни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг чора-тадбирлар Дастури қабул қилинди.

СЎЗ–ПЛЕНУМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА:

Азамат ПАРДАЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Пленумда Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ва Экологик ҳаракат вакиллари билан ўтказган видеоселектор йиғилишидаги маърузасини чуқур ўрганиш баробарида, фаолиятимизни кенг қамровда баҳолаш имконига эга бўлдик. Фракциямиз фаолияти танқидий таҳлил қилиниб, фойдаланилмаган имкониятларимизга холис баҳо берилди, келгусида амалга оширишимиз зарур бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Электорат манфаатларини таъминлаш, партиямиз дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунларда ЎзМТДП позициясини намоён қилиш борасида йўл қўйилган камчиликларимизнинг очиқ айтиб ўтилгани фаолиятимизга жиддий ва масъулият билан ёндашишга ундади. Хусусан, фракциямиз аъзолари қонун ташаббускорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятида сусткашликка йўл қўяётгани, партия электорати манфаатларини ифода этувчи қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда етарли ташаббус кўрсатилмаётгани фаолиятимизнинг афсуски, оғриқли томонларидан биридир. Пленумда Президентимиз маърузасидан келиб чиққан ҳолда, фракциямизнинг ҳар бир аъзоси зиммасига алоҳида вазифалар юклатилди. Уларни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Шоҳида АРИПОВА,
халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан ўтказган тарихий учрашуви бугун нафақат сиёсий давраларда, балки жамиятимизнинг барча соҳаси вакиллари ўртасида чуқур муҳокама қилинмоқда. Бу муҳокамаларда электорат вакиллари сиёсий партиялар, депутатлардан нималарни кутаётгани, энди эскича ишлаш тизимидан воз кечиб, аҳоли ичига кириб, янги-янги ташаббуслар билан чиқиш зарурлиги таъкидланмоқда.

Партиямиз Марказий кенгаши Пленумида ҳам фаолиятимиз таҳлилий танқид қилиниб, Президентимиз маърузасида белгиланган вазифалар чуқур ўрганилди. Марказда фракция, ҳудудларда партия гуруҳлари томонидан назорат қилинадиган давлат бошқаруви органлари доирасини аниқлаш, уларнинг ҳисоботи ва ахборотини фракция мажлислари ва партия гуруҳлари ташаббуси асосида маҳаллий Кенгашларда доимий эшитиб бориш масалалари олдимида турган долзарб вазифалардан экани қайт этилди.

Умид ЖАББОРОВ,
ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши раиси:

— Пленумда барча ҳудудий партия ташкилотлари фаолияти холис танқид қилингани ҳар биримизда ЎзМТДПнинг жамият, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти бугунги кун талаблари даражасидами, деган ҳақли саволга жавоб топишимизга сабоб бўлди. Бугун сиёсий партиялар халқ орасига кириб бориб, аҳоли билан мулоқотга киришиб, уларни ўйлантираётган муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиб бериши лозим бўлган бир пайтда, биз асосий кучимиз ва вақтимизни мажлис ва тадбир ўтказишга сарфлаётганимиз ҳам бор гап. Тўғри, намунали фаолият юритаётган партия ташкилотлари ҳам йўқ эмас. Камчиликларни тез ва ўз вақтида бартараф этиб, давлат раҳбари қўяётган талабларга мос равишда фаолият юритишимиз зарур. Қачонки, аҳоли сиёсий партиянинг аниқ позициясини, ўз ҳудудидан сайланган депутатини яхши билмас экан, кўзлаган мақсадимизга эриша олмаймиз.

Шоҳида ДАМАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЖАМИЯТ ТАФАККУРИНИНГ ЭГАЛАРИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувида миллий маданиятимиз, адабиёт ва санъатимизни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар, уларни ҳал этиш йўллари атрофлича муҳокама қилинди, бу борада ижодий уюшмалар ва давлат ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур учрашувдаги маърузаси зиёлилар, жамоатчилик вакиллари томонидан кенг ўрганилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларида ҳам давлатимиз раҳбарининг ижодкор зиёлилар билан учрашувидаги маърузаси ЎзМТДП дастурий вазифалари нуқтаи назаридан ўрганилиб, устувор вазифалар белгиланмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши ҳам ана шу масалага бағишланди. Фракция раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарган йиғилишда маърузада илгари сурилган ҳар бир ғоя ва таклиф, белгиланган вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

— Мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқлар қатори маданият, санъат, адабиёт, оммавий ахборот воситалари ривожига катта эътибор қаратилмоқда, — деди Сарвар Отамуратов. — Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ўтган даврда халқимизнинг бой маданий меросини тиклаш ва ўрганиш, китобхонлик маданиятини ошириш, маданият ва санъат соҳасини такомиллаштириш, ёш истеъдод эгаларининг иқтидорини юзага чиқариш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Учрашувда бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш, жамиятимиз зиёлилар қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ижод аҳли учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратиш кун тартибига муҳим масала сифатида қўйилди. Дарҳақиқат, "жамият тафаккурининг эгалари" дея таъриф берилган ижод аҳли, зиёлилар қатламининг жамиятдаги ўрни ва мавқеи, фаолияти долзарб аҳамиятга эга. Миллий маданиятимиз, санъатимиз ривожи жамиятдаги маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади, халқимизнинг миллий ўзига хослигини, аньана ва қадриятларини мустаҳкамлайди. Айниқса, ёш авлод вакилларининг "оммавий маданият" таҳдидларига нисбатан маънавий иммунитетини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Учрашувда маданият ва санъатимизнинг ривожланиш жараёнлари, бу борадаги ижобий тенденциялар билан бирга, айрим хато ва камчиликлар, уларнинг жамият ҳаётига таъсири холисона ва танқидий баҳоланди, муаммоларни бартараф этиш йўллари муҳокама қилинди. Адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари фаолияти бўйича мавжуд ҳуқуқий-норматив базани такомиллаштириш, соҳанинг моддий-техник салоҳиятини мустаҳкамлаш, ижод аҳлининг машаққатли меҳнатини моддий ва маънавий жиҳатдан муносиб рағбатлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш ва ислоҳ қилиш каби бир-биридан муҳим ва долзарб масалалар ижодий уюшмалар эътиборидан четда қолиб келаётгани танқид қилинди. Хусусан, кино, театр, миллий эстрада санъатимиздаги, шунингдек, режиссёрлик, сценарийнавислик, бастакорлик, адабиёт, оммавий ахборот воситалари соҳасидаги муаммоларга тўхталиб ўтилди.

Президентимиз тўй-маъракалардаги исрофгарчилик, дабдабабозлик ҳақида алоҳида тўхталиб, айрим пул топиб ақл топмаган, маънавий савияси паст одамларнинг қимўзарга мусобақа ўйнаб, турли ёт одатларни ўйлаб топаётгани ҳақида куйиниб гапирди. Энг ёмони, миллий менталитетимизга ёт турли одатлар жамиятдаги барқарорликка, ёшларнинг маънавий камолотига салбий таъсир кўрсатади. Давлатимиз раҳбари ёшларга "оммавий маданият" таҳдиди четдан эмас, кўпроқ ўз ичимиздан, яъни турли клип ва кинолар, эфирдаги қўшиқ ва рақслар орқали таъсир кўрсатаётганини алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, бугун "Ўз болангни ўзинг асра!" деган даъват ҳар биримиздан катта масъулият ва эътибор талаб қилади. Маънавий-маданий ҳаётимиздаги бу каби кўз илғамас, бир қарашда майда кўринган, аммо оқибатини ҳеч нарса билан бартараф этиб бўлмайдиган муаммолар, кино, эстрада ва бошқа санъат соҳасидаги миллийлигимизга ёт хатти-ҳаракатлар, маъно-мантиқсиз "ижод маҳсул"лари, айниқса, ёш авлод вакилларига акс таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Шу маънода давлатимиз раҳбари маданият соҳасида жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшларимизни ҳақиқий санъатни англашга ўргатиш, уларнинг эстетик оламини соғлом шакллантириш бўйича олдимизда жуда муҳим вазифалар турганига алоҳида урғу берди.

Фракция йиғилишида давлатимиз раҳбарининг мазкур маърузаси ўз моҳияти ҳамда аҳамияти билан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларга уйғун ва ҳамоҳанг эканлиги таъкидланди. Зеро, партия ижодкор зиёлилар манфаатларини ҳимоя қилиш, адабиёт, санъат, маданият соҳасини ривожлантириш, ёшларни юксак маънавиятли қилиб тарбиялашга кўмаклашишни ўзининг устувор вазифаларидан деб билади. Шу боис ҳам ЎзМТДП ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, Президентимиз маърузасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фаол иштирок этиши лозим. Фракция аъзолари маърузадан келиб чиқадиган вазифалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини, амалий таклифларини билдирдилар.

Йиғилишда фракция аъзолари, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари, партия ходимлари ва фаолларидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, чора-тадбирлар ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Абдурашид ТЎХТАБОЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Ҳар қандай соҳанинг замирида маънавият-маърифат мужассам. Давлатимиз раҳбари адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор — бу, аввало халқимизга, келажагимизга эътибор эканини унутишга асло ҳаққимиз йўқлигини алоҳида таъкидлади. Шу маънода бугунги кенг кўламли, шиддатли ислоҳотлар, янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнида ижодкор зиёлиларимизнинг ўрни ва ҳиссаси талаб даражасида эмаслигидан кўз юма олмаймиз. Аслида Президентимиз таъкидлаганидек, маданият ва санъат арбоблари ҳамиша жамиятнинг энг олдинги сафларида бўлиши, ўз асарлари, фаол фуқаролик позицияси билан одамларни эзгу мақсад ва марралар сари бошлаши, илҳомлантириши керак.

Учрашувда соҳадаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича белгилаб берилган вазифалар, илгари сурилган таклифлар бевосита партиямиз вакилларидан ҳам ташаббускорликни талаб этади.

Дилфуза ЖАЛИЛОВА,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Учрашувда соҳадаги муаммоларни бартараф этиш, ижодкор зиёлиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қатор чора-тадбирлар белгилаб берилгани, ҳар бир йўналишда қарор лойиҳалари тайёрланаётгани миллий маданиятимиз ва санъатимиз ривожида муҳим аҳамият касб этади. Фракция йиғилишида адабиёт, маданият ва санъат соҳасини ривожлантиришга қаратилган мазкур қарор лойиҳаларига таклифлар бериш, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш борасида ташаббускор бўлиш зарурлиги таъкидланди. Зеро, партиямиз электорати бўлган ижодкор зиёлиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг сермаҳсул ижод қилиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган саъй-ҳаракатлар ЎзМТДПнинг бу борадаги дастурий вазифалари ижросига хизмат қилади.

ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИНИНГ ТАШАББУСКОР БЎЛИШИГА НИМА ХАЛАЛ БЕРМОҚДА?

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Депутат ўзи сайланган сиёсий партия позицияси, дастурий вазифалари, электорати манфаатлари йўлида жонкуяр, ташаббускор бўлишига ким ёхуд нима тўсқинлик қилади? Сайловдан кейин аксарият депутатлар ўзларини номзод этиб кўрсатган партия билан ҳатто алоқани узиб, ўз сайловчилари билан камдан-кам мулоқот қилиши уларнинг депутатлик мақомига қанчалик тўғри келади? Унинг номзодини кўрсатган партиянинг манфаати, номзодга катта умид ва ишонч билан овоз берган неча минглаб сайловчининг илинжи депутатни мудом уйғоқликка чорлаши керак эмасми?

Афсуски, ўз ишига лоқайд ёндашаётган, ваколатидан унумли фойдаланиш тугул, унга бепарво қараётган депутатлар, партия гуруҳлари йўқ эмас. Агар халқ вакили ўз ваколати доирасидаги вазифаларини аъло даражада бажариб, жойлардаги муаммоларни, фуқаролар мурожаатларини ҳал қилганида эди, Халқ қабулхоналарини ташкил қилишга ҳожат қолмаган бўларди. Таассуфки, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайланган айрим депутатлар ва партия гуруҳлари фаолияти хусусида ҳам айни шундай хулосага келиш мумкин.

> **!** ***Сусткаш, лоқайд, партия билан алоқасини узган 4 депутатнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш масаласи кўриб чиқилди***

ЎзМТДП Марказий кенгаши ишлаб чиққан 2017 йил иш режасига мувофиқ, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари зиммасига партия мақсад-вазифалари нуқтаи назаридан қатор вазифалар юкланган, уларнинг депутатлик назорати асосида амалга оширадиган ишлари белгилаб берилган. Масалан, жойлардаги аниқ мерос объектларининг аҳволини, муҳофаза қилиниш ҳолатини, халқ таълими муассасалари кутубхоналарининг зарур китоб ва ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминланиш ҳолатини ва бошқа бир қатор масалаларни ўрганиш ҳамда сессиялар муҳокамасига киритиш турли ҳудудлардаги партия гуруҳлари зиммасига юклатилган. Хусусан, халқ депутатлари Тошкент вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳларига маҳаллий Кенгаш сессияларида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари раҳбарларининг ҳудуддаги халқ таълими муассасаларида болаларнинг ҳаёти, муҳофазаси, соғлиги ва жисмоний ривожланиши, даволаш-профилактика ишларининг ўтказилиши, санитария-гигиена қоидалари, овқатланиш сифатига риоя қилишнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотини эшитиш вазифаси топширилган. Ушбу вазифанинг ижро муддати — жорий йилнинг апрель ойи. Аммо белгиланган масала ижросини таъминлашда барча партия гуруҳи ҳам етарли ташаббус кўрсатмади.

— Партиямиз дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш, электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилишда депутатлар фаолияти муҳим, таъбир жоиз бўлса, ҳал қилувчи аҳамият касб этади, — дейди ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони Вакиллик органларидаги депутатлик бирлашмалари билан ишлаш бўлими етакчи мутахассиси Аҳлиддин Жумаев. — Тўғри, жорий йил давомида маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз саъй-ҳаракати билан муайян амалий ишлар қилинди. Аммо қатор партия гуруҳларимиз ўз ваколатларидан самарали фойдалана олмаётгани, фаолиятида талай камчиликлар борлиги уларнинг иш услубини тубдан такомиллаштириш, фаоллигини оширишни тақозо этади. Тошкент вилоятидаги партия ташкилотлари ҳамда гуруҳларимиз зиммасига юклатилган вазифа халқ депутатлари Чиноз, Қуйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Бўстонлиқ туман Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари томонидан сессия муҳокамасига киритилиб, қарор қабул қилинишига эришилди. Аммо халқ депутатлари Паркент, Пискент, Янгийўл, Ангрен, Бўка, Зангиота, Оҳангарон, Оққўрғон туман, Бекобод, Чирчиқ, Олмалиқ шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларимиз бу борада бирор натижа кўрсатгани йўқ.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: юқорида санаб ўтилган партия гуруҳларининг ташаббус кўрсатиб, белгиланган масалани Кенгаш сессиясига олиб чиқишига ким ёхуд нима ҳалал берди? Партия вакилининг маълумотига кўра, халқ депутатлари Ангрен, Бўка, Зангиота, Оҳангарон, Оққўрғон туман ва Бекобод шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларимиз масалани ўрганиб, тегишли маълумот ва ҳужжатларни Кенгашга тақдим этган. Аммо ушбу Кенгашларда сессия ўтказилмагани боис масала муҳокамага қўйилмаган экан. Ушбу важ билан юқоридаги олтита партия гуруҳимизни қайсидир маънода оқлаш мумкиндир, бироқ қолган бешта туман ва шаҳар Кенгашлардаги гуруҳларимиз вакилларининг қатъиятсизлиги, лоқайдлигини нима деб оқлаш, изоҳлаш мумкин?

Таълим масканлари, хусусан, мактабгача таълим муассасаларидаги фарзандларимиз ҳаёти, соғлиги қай даражада муҳофаза қилинаётгани, санитария-гигиена қоидалари, овқатланиш сифати қай аҳволда эканлиги билан боғлиқ масала депутатларимизни ноҳотки заррача қизиқтирмаган бўлса?! Ёки Паркент, Пискент, Янгийўл туманлари ва Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарларидаги мактабгача таълим муассасаларида ўз ечимини кутаётган ҳеч қандай масала йўқми? Муаммолар йўқ бўлса, нур устига нур, аммо соғлиқни сақлаш вакиллари мактабгача таълим муассасаларида олиб бораётган ишларни депутатлик назорати тартибида ўрганиш, таҳлил қилиш депутатларнинг ваколат доирасидаги вазифаси-ку! Ўрганишлар асосида мавжуд муаммоларни бартараф этиш, самарали натижаларни намуна сифатида кенг оммалаштириш имкони туғилади. Президентимиз дастуриламал маърузада юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашда депутатлар кўмакчи, асосий ташаббускор бўлиши зарурлигига алоҳида урғу берган эди. Афсуски, ушбу партия гуруҳларимизга ЎзМТДП Марказий кенгаши томонидан аниқ вазифа сифатида белгилаб берилган масалани ўрганиш ва сессия кун тартибига олиб чиқишга-да журъат, ташаббус ва фидойилик етишмади.

— Партиямиздан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайланган 76 нафар депутат бор, — дейди ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Шуҳрат Насимов. — Улар орасида жонкуяр, халқ дарди билан яшайдиган фидойи депутатларимиз кам эмас. Шу билан бирга, ўз ваколатига совуққонлик билан қарайдиган ёхуд "сен менга тегма, мен сенга тегмайман" қабилида иш тутадиганлари ҳам, афсуски, йўқ эмас. Ана шундай сусткаш, лоқайд, партия билан алоқасини узган 4 депутатнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш масаласи кўриб чиқилди. Бундан ташқари, ЎзМТДП Марказий кенгаши томонидан белгилаб берилган масалани сессия муҳокамасига олиб чиқишда ташаббус кўрсата олмаган партия гуруҳларимиз фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, уларнинг бундан кейинги иш услубини тубдан қайта кўриб чиқиш бўйича келишиб олдик. Депутатларимиз бугунги давр билан ҳамқадам, ҳамнафас фаолият олиб бориши, иш услубини тубдан ўзгартириши, ташаббускор бўлиши шарт. Бу, ўз навбатида, иш фаолиятимиз самарадорлигини янада ошириш ва сифат жиҳатдан яхшилашга кўмаклашади.

Дарҳақиқат, ютуқлар ўзимизники, аммо фаолиятдаги камчиликларни бартараф этиб, шахсий маъсулиятимизни янада кучайтириш, зиммадаги вазифаларни сидқидилдан адо этиш — бугунги давр талабидир.

☑ Ташаббус натижа берди

ҚАРОР ИЖРОСИ ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ШИРИН ШАҲАР КЕНГАШИДАГИ ЎзМТДП ГУРУҲИ ҲУДУДДАГИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНДИ

Мамлакатимизда келажагимиз пойдевори, эртамиз эгалари бўлган ёш авлод таълим-тарбияси ва саломатлигига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. Фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб вояга етишида, айниқса, мактабгача таълим муассасалари муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида ҳам ёш авлод камолотига кўмаклашишга қаратилган қатор мақсад-вазифалар белгиланган. Халқ депутатлари Ширин шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори шаҳардаги мактабгача таълим муассасаларида қай даражада ижро этилаётгани масаласини ўрганди, амалга оширилган ишлар билан танишди. Ўрганиш натижалари Кенгаш сессияси муҳокамасига киритилди.

— Давлатимиз раҳбари мазкур қарорининг ҳудудимиздаги ижросини таъминлаш бўйича Ширин шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими бир қатор ишларни амалга оширган, — деди ЎзМТДП Ширин шаҳар кенгаши раиси, партия гуруҳи раҳбари Улуғбек Норматов. — Жумладан, тарбияланувчиларнинг таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, педагог кадрларнинг касб этикасига риоя қилиш бўйича кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган ўқув-семинар, давра суҳбатлари ташкил этилган, тест синовлари ўтказилган. Мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, биноларини таъмирлаш ишлари режа асосида олиб борилмоқда. Президентимиз қарорига мувофиқ, тўртта мактабгача таълим муассасаси капитал таъмирлаш бўйича режага киритилган. Белгиланган объектларда қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш шаҳар ҳокими қарори билан тасдиқланган ва жамоатчилик Кенгашлари тузилган.

Сессияда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги 225-сонли қарори билан тасдиқланган "Қисқа муддатли гуруҳлар тўғрисида"ги Низомга асосан, Ширин шаҳрида мактабгача таълим муассасаларига жалб қилинмаган болаларни мактаб таълимига тайёрлаш мақсадида мактабчага таълим муассасаси ҳамда мактабларда, жумладан, тўртта мактабгача таълим муассасасида қисқа муддатли гуруҳ очилиши режалаштирилиб, чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, ҳудуддаги иккита муассаса беш йилга мўлжалланган "Соғлом бола" дастури режасига киритилган.

Фарзандларимизнинг мактабгача таълим муассасаларида бўлган вақтидаги саломатлигини таъминлаш борасида қандай шароитлар яратилгани ҳар бир ота-онани ўйлантириши табиий. Шу боис шаҳардаги барча МТМда фаолият юритаётган тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш юзасидан тегишли чоралар белгиланган. Ҳамширалар ҳақида маълумотлар шакллантирилиб, вилоят халқ таълими бошқармасига тақдим этилган.

ЎзМТДП гуруҳи аъзоларининг ўрганишлари давомида соҳада қатор камчилик ва муаммолар ҳам мавжудлиги аниқланди. Масалан, ҳудуддаги айрим мактабгача таълим муассасаларини таъмирлаш, шарт-шароитларини яхшилаш, хоналар ёхуд болалар майдончасини жиҳозлаш зарур. Жумладан, Нуробод маҳалласидаги мактабгача таълим муассасаси биноси капитал таъмирга муҳтож. Айрим муассасаларда тарбиячиларнинг сифатли машғулот ўтиши учун зарур ўқув қуроллари етарли эмас, кўргазмали воситалар, деворий кўргазмалар замон талабларига жавоб бермайди, таълим-тарбия жараёнида жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларни жорий этиш зарурати мавжуд. Бундан ташқари, баъзи МТМда гуруҳ хоналари етарли жиҳозланмаган, малакали кадрлар етишмайди.

Тақдим этилган маълумотлар сессияда қизғин муҳокама қилинди. Болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурларини татбиқ этиш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш борасида фикр-мулоҳаза ва таклифлар ўртага ташланди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан сессия қарори қабул қилинди. Унга кўра, Ширин шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири зиммасига илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий эстетик ва жисмоний ривожлантириш шароитларини яратиш, мактабгача таълим сифатини ошириш, таълим муассасаларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнида жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларни жорий этиш, муассасаларда 5-6 ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлаш бўйича қисқа муддатли гуруҳларни ташкил этиш, педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш, муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан, шаҳарнинг Нуробод маҳалласида жойлашган МТМни янгидан қуриш учун тегишли ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш вазифалари юклатилди.

"Ширин садоси" газетаси таҳририятига Президентимизнинг "2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича шаҳарда амалга оширилган ишларни мунтазам равишда ёритиб бориш тавсия этилди.

Сессияга масала киритиб, қарор қабул қилинишига эришиш — бу ишнинг бошланиши. Энди қарорда акс этган муаммо ва масалаларни бартараф этиш, белгиланган вазифалар ижросини назорат қилиш, ёш авлод келажаги билан боғлиқ бўлган мактабгача таълим муассасалари фаолиятини яхшилаш борасидаги ишлар самарадорлигини оширишда партиямиздан сайланган депутатларнинг янада фаоллик кўрсатиши, ўз ваколатларидан самарали фойдаланиши, аниқ натижага эришиши талаб этилади.

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Муҳтарама КОМИЛОВА тайёрлади.

MILLIY TIKLANISH
32 (464) 2017 йил 9 август, чоршанба

☑ Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

ЯНГИ ҒОЯ, ҲАЁТИЙ ТАШАББУС, АМАЛИЙ ИШ

ҚУЙИ БЎҒИНЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ушу йил 12 июлдаги видеоселектор йиғилишидаги маърузасида парламент, сиёсий партиялар ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаолияти танқидий таҳлил қилиниб, аниқ ҳаётий вазифалар белгилаб берилди. Айни пайтда Ўзбекистон "Миллий тиклаиш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотларида ушбу маърузани ўрганиш ва унда белгиланган вазифаларни амалга оширишга бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтмоқда.

Навоий. ЎзМТДП Конимех туман кенгашида бўлиб ўтган тадбирда халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланаган депутат Перизат Мингтаева таъкидлаганидек, бугунги ўзгариш ҳамда янгиланишлар даврида партия вакиллари ва депутатлар ҳар қачонгидан ҳам жонкуяр ва фидойи бўлиши зарур. Партия ўз олдига мақсад қилиб қўйган долзарб вазифаларни аҳолига етказишда бошланғич партия ташкилотлари муҳим ўрин тутади.

Тадбирда бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини тубдан такомиллаштиришга қаратилган устувор вазифаларга эътибор қаратилди. Унда Президентимиз илгари сурган мақсад-вазифаларни амалга ошириш, қонунларимизнинг жойлардаги ижросини назорат қилишда сиёсий партияларнинг ўрни яққол сезилиши, ислоҳотларни амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунларга муносабат билдиришда партия фаоллари, айниқса, депутатлик гуруҳлари ва бошланғич партия ташкилотлари фаол бўлиши муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Бошланғич партия ташкилотларининг халқ билан мулоқот қилиши, электорат билан ишлашини такомиллаштириш, партия тарафдорлари сонини кўпайтириш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Қуйи бўғинлар амалга оширган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтилди. Кун тартибига киритилган масалалар атрофлича кўриб чиқилиб, йиғилиш қарори қабул қилинди.

Сурхондарё. ЎзМТДП Олтинсой туман кенгаши ташкил этган бошланғич партия ташкилотлари йиғилишида Президентимизнинг видеоселектор йиғилишидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, тарғибот ишларида янгича ёндашувларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди. Амалга ошириш зарур бўлган ишлар барча даражадаги партия ташкилотларининг электорат билан тизимли мулоқот ўрнатишини таъминлаш ҳамда партия гуруҳлари ташаббускорлигини ошириш, оммавий ахборот воситалари орқали партия позициясини эълон қилиб бориш каби бир қатор масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, маърузада таъкидланган танқидий фикрлардан хулоса чиқариб, фаолиятдаги камчиликларни бартараф этишда қуйи бўғинлар бир қатор ташаббусларни илгари суриши таъкидланди.

Ҳар бир сиёсий партиянинг ғояси, мақсад-вазифаларини аҳолига етказиш қуйи бўғинлар фаоллиги билан узвий боғлиқ. Шу боис улар партиянинг бош таянчи, деган номга сазовор бўлган. Президентимиз маърузасининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишда бошланғич партия ташкилотлари намуна бўлиши керак. Тадбир давомида Президентимизнинг "Сиёсий партия аъзоларининг қанчаси партиянинг ғояси, мақсад ва вазифаларини чин юрақдан ҳис қилади ва шу ғояни амалга ошириш учун курашга тайёр?" деган саволларига БПТ аъзолари ҳам ўз муносабатларини билдириб, бу борада кўпроқ партия вакиллари ва электорат ўртасида тизимли учрашувлар ташкил этиш тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда сиёсий партиялар тизимида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш муҳим вазифалардан бирига айланмоқда. Уларнинг самарали фаолияти партия хайрихоҳлари сонининг ортишида муҳим ўрин тутади.

Тадбир якунида кун тартибидаги масалалар юзасидан қарор қабул қилиниб, бундан кейинги фаолиятни янада кучайтириш борасида таклифлар қабул қилинди.

Фарғона. Шундай тадбирлардан бири Марғилон шаҳарида ҳам бўлиб ўтди. Унда партия шаҳар кенгаши фаоллари, депутатлар, бошланғич партия ташкилоти етакчилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилиш кун тартибидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 июлда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги "Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислоҳотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак" маърузасидан келиб чиқиб белгиланган устувор вазифалар, 2017 йилнинг дастлабки 6 ойи давомида олиб борилган ишлар ва бошқа масалалар жой олди.

Тадбирда ЎзМТДП Марғилон шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашига партиядан сайланган депутат Шуҳрат Мадраҳимов бошланғич партия ташкилотларининг фаолияти ҳамда келгусида амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларга тўхталиб ўтди. Халқ депутатлари шаҳар Кенгашига партиядан сайланган депутат Ваҳобжон Парпиев иштирокчиларни Президентимизнинг маърузаси мазмун-моҳияти билан таништирди. Давлатимиз раҳбари белгилаб берган мақсад-вазифаларни амалга ошириш, қонунларимизнинг жойлардаги ижросини назорат қилишда сиёсий партияларнинг ўрни кўп жиҳатдан қуйи ташкилотлар ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатларининг амалий фаолиятига боғлиқлигига эътибор қаратди.

Маърузада белгиланган асосий йўналиш ва вазифаларни амалга ошириш сиёсий партиялар, парламент, маҳаллий Кенгашлар фаолиятини такомиллаштириш, ҳаётий ташаббуслар, янги ғоялар билан бойитиш учун мустаҳкам асос яратади, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда туб бурилиш ясайди.

Самарқанд. Видеоселектор йиғилишида парламент ва сиёсий партиялар фаолиятидаги камчиликлар танқидий таҳлил қилингани ўз ишимизни бугунги давр талаби даражасида ташкил этолмаётганимизни яққол кўрсатиб берди.

ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши партия ташкилотлари ҳодимлари, БПТ етакчилари иштирок этган йиғилишда шу хусусда сўз борди.

— Бугунги тезкор давр сиёсий партиялар амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг нафақат иштирокчиси, балки ташаббускори ва ижрочиси бўлишни талаб этмоқда, — деди партия Самарқанд вилоят кенгаши етакчи мутахассиси Озода Норимова. — Бугун халқимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалмоқда. Улар ўзи сайлаган депутат қандай амалий ишлар қилаётганини кузатиб, билиб турибди. Шунинг учун сайловчиларимиз, электоратимиз олдида юзимиз ёруғ бўлиши, сайловолди ваъдаларимизни амалга ошириш учун хотиржамлик қайфиятидан бутунлай воз кечишимиз лозим.

Президентимиз таъкидлаганидек, "Миллий тиклаиш" партияси миллий меросимиз ва қадриятларимизни тиклаш, уларни янада бойитиш билан бирга, туризм соҳасини ривожлантиришни ҳам ўз олдига вазифа қилиб қўйган. Аммо партия амалда бу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш, мавжуд қонунларнинг ижросини назорат қилиш юзасидан етарлича фаоллик кўрсата олмаяпти. Бу борада, айниқса, ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши ва депутатлари намуна бўлиши лозим эди.

Йиғилишда партия туман ва шаҳар кенгашлари раиси ва етакчи мутахассислари фаолияти танқидий кўриб чиқилди ва уларга муддатли топшириқлар берилди.

Жумладан, бошланғич партия ташкилотларининг кенгайтириш, партия туман кенгаши, депутатлик гуруҳи ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, малакали кадрлар захирасини шакллантириш, ходимларнинг билимини ошириш мақсадида Самарқанд давлат университетида ўқув курси ташкил этиш, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, бандлигини таъминлаш билан боғлиқ долзарб масалалар хусусида фикрлашиб олинди.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

☑ Давра суҳбати

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясида давлатимизнинг барқарор тараққиёти, иқтисодий юксалишидаги ислоҳотларнинг давомийлиги ва изчиллигини таъминлашга қаратилган янги ғоялар, амалий ташаббуслар, лойиҳалар, кенг кўламли чора-тадбирлар ўрин олган. Уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига халқчил ва содда мисоллар ёрдамида тушунтириш, унинг ижроси таъминланишини назорат қилишда сиёсий партиялар фаол ва ташаббускор бўлишини бугунги даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

БОЙ МЕРОС ТАРҒИБОТИ КУЧЛИ БЎЛСА, ТУРИЗМ РИВОЖЛАНАДИ

Ўзбекистон "Миллий тиклаиш" демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши ташкил этган "Ҳаракатлар стратегияси — иқтисодий ислоҳотларнинг янги даври, бунда туризмнинг роли" мавзусидаги давра суҳбатида ана шу жиҳатларга эътибор қаратилди. Унда иштирок этган партия фаоллари, депутатлар ва соҳа мутахассислари Ҳаракатлар стратегиясида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва либераллаштириш ҳамда туризм салоҳиятини ошириш борасида белгилаб берилган энг долзарб масалаларнинг ҳудуддаги ечими юзасидан олиб борилаётган ишларга эътибор қаратди.

— Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида Ҳаракатлар стратегиясида сиёсий партиялар дастурларига киритилган ва улар томонидан сайлов жараёнларида кўтарилган долзарб муаммоларнинг ечими бўйича ҳам чора-тадбирлар белгиланган, лекин уларнинг ижросини таъминлашда ташаббус ва амалий ишларнинг камлиги борасида танқидий фикр билдирди, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Назир Собиров. — Бундан, айниқса, бизнинг партиямиз тўғри хулоса чиқариши ҳамда унумли фойдаланиши, соҳада учраётган муаммоларни бартараф этишда фаол ва ташаббускор бўлиши лозим. Чунки партия сайловолди Платформасида туризмни ривожлантириш, ҳудудларнинг туристик салоҳиятини янада ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган.

муаммолар атрофлича таҳлил қилиниб, уларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланиши мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, юртимизнинг халқаро микёсдаги нуфузини ошириш ҳамда партия дастурий мақсад-вазифалари рўёбига хизмат қилади.

— Ватанимиз гўзал табиатга, тарихий шаҳарлар, археологик ёдгорликлар, бой маданий-маънавий ва илмий меросга, юксак сайёҳлик салоҳиятига эга мамлакат ҳисобланади, — деди халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Дилфуза Омонова. — Шу боис юртимизга қизиқувчилар сафи, ташриф буюраётган сайёҳлар оқими йилдан-йилга кўпайиб бораётир. Ўз навбатида, мамлакатимизда туризм имкониятларини кенгайтириш, иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили сифатида сайёҳлик соҳасини янада ривожлантириш, ҳар бир ҳудуднинг туристик салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор

Туризм иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан бири сифатида иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ечимида муҳим ўрин тутади. Хусусан, қўшимча иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, халқ фаровонлигини юксалтиришда мазкур соҳанинг ўрни беқиёс. Шу боис соҳага доир қонунчиликни янада такомиллаштириш, Президентимизнинг 2016 йил 6 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросини қатъий назоратга олиш, бу борадаги муаммоларни ҳал этиш юзасидан амалий таклифлар билан чиқишда ЎзМТДП фракцияси аъзолари билан биргаликда маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва партия ташкилотлари ҳам фаол иштирок этиши зарур.

Айни пайтда партия Бухоро вилоят кенгаши туризмни ривожлантиришда ҳали ишга солинмаган мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, ҳудудда соҳага оид энг долзарб муаммоларни ҳал этишга доир амалий таклифлар ҳамда чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқмоқда. Хусусан, бу соҳада ўз тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган ва бошлаётган барча тадбиркорлик субъектларига қулайлик яратиш, хорижий сайёҳларга маъқул келадиган миллий таомлар рўйхатини шакллантириш, туризм ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш каби таклифлар соҳа ривожида муҳим аҳамиятга эга. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилоят ҳудудий бўлинмасига соҳада аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан депутатлик сўровини юбориш, ушбу соҳада йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, ечимини кутаётган қаратилмоқда. Бухоро вилоятининг туристик салоҳияти юқори. Бутун дунёдан вилоятга ташриф буюраётган туристлар узоқ ўтмишдан ҳикоя қилувчи қадимий ёдгорликларга, ҳудуднинг бетакрор табиати ва миллий қадриятларига катта қизиқиш билдираётир. Лекин вилоятда бу салоҳиятдан тўлиқ ва самарали фойдаланилмаяпти. Соҳага оид қатор муаммо ва камчиликлар бор. Шу боис сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлишини, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ва, умуман, сайёҳлик логистикаси билан боғлиқ барча имкониятларни ишга солиш, соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этиш лозим. Қолаверса, туризм соҳасида кадрлар масаласи муҳим ҳисобланади. Бу борада ҳам замонавий менежмент, хорижий туристларга юртимизнинг тарихи ва ҳозирги куни тўғрисида ишончли ахборот берадиган кадрлар — гид-экскурсовод, туристик ва меҳмонхона муассасалари ходимларини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш талаб этилади.

Давра суҳбатида туризм воситасида ноёб маънавий бойликларимиз ва тарихий меросимиз тарғиб этилиши жаҳон жамоатчилигини мамлакатимизнинг улкан туризм салоҳияти билан кенгроқ таништириш, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга хизмат қилиши таъкидланди. Ўзбекистонда туризм имкониятлари, соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш ва бошқа бошқа мавзуларда маърузалар тингланди.

Усмон РУСТАМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

☑ Мурожаат ижобат бўлди

ПАРТИЯ КЎМАГИ БИЛАН

ТИББИЙ КЎРИК ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон "Миллий тиклаиш" демократик партияси аҳолига репродуктив саломатлик масалалари бўйича малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, маслаҳатлар бериш, она ва бола саломатлигига салбий таъсир этаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича тарғибот-тушунтириш ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Партия Тошкент вилоят кенгаши ҳамда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди вилоят ҳудудий филиали ҳамкорлигида ташкил этилган "Аёллар саломатлиги — миллат бойлиги" мавзусидаги давра суҳбати ҳам ана шундай мақсадга қаратилди. Унда партия вакиллари, шифокорлар, "Аёллар қаноти" фаоллари, таниқли шоир-ёзувчилар, ёшлар иштирок этди. Тадбирдан кўзланган асосий мақсад — Президентимиз ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва қабул қилинаётган қарор ва фармонларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, она ва бола саломатлигини ҳимоялаш, мазкур соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга кўмаклашишдан иборат.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар янги босқичга кўтарилди, соғлом оила ва соғлом бола масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди ЎзМТДП Бўстонлиқ туман кенгаши раиси Жаҳонгир Нурметов. — Айниқса, 2017 йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб эълон қилиниши аҳоли саломатлигини тиклаш, миллат генофонди ва оилани ҳар томонлама мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уларнинг тиббий маданиятини юксалтириш ва имтиёзлар яратишда муҳим омил бўлмоқда. Тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жуда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, унинг замирида халқимизнинг эртанги куни, наслимизнинг давомчилари бўлган янги авлодни дунёга келтириш, уларни асраб-авайлаб ва ҳар томонлама соғлом ўстириш каби олий мақсад мужассам. Жамият

аъзоларининг соғлом бўлиши, аҳоли репродуктив саломатлигига оид ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш партия фаоллари ва депутатларимиз зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Қолаверса, бу ЎзМТДП дастурий мақсадлари билан ҳамоҳанг ва муштарақдир.

Таъкидланганидек, ЎзМТДП сайловолди Платформасида ёшларни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, юксак маънавиятли, комил инсонни тарбиялаш, оила қадриятларини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга кўмаклашиш устувор вазифалардан этиб белгиланган. Шу боис партия ташкилотларимиз ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришда ўз ҳиссасини қўшишга интилаётир. Шунингдек, маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар ҳамда хотин-қизлар муаммоларига ечим топиш, ёшларни спортга кенг жалб этиш, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги тарғибот ишларини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Тадбир доирасида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди вилоят ҳудудий филиали шифокорлари "Янги турмуш" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказди.

— Мамлакатимизда халқ фаровонлиги, одамларнинг ҳуқуқ-манфаатлари, орзу-истаклари рўёбига хизмат қиладиган тизим яратилгани биз фуқаролар учун айни муддао бўлди, — деди "Янги турмуш" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шермурод Биматов . — Энди энг чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳолининг ҳам муаммолари, ўй-ташвишлари ўрганилмоқда, уларга амалий кўмак берилмоқда. Биз ҳам маҳалламизда истиқомат қилувчи ёшлар ва хотин-қизларнинг бепул тиббий кўрикдан ўтишида амалий ёрдам сўраб, партия Бўстонлиқ туман кенгашига мурожаат қилгандик. Партия ташкилоти мурожаатимизга тезда жавоб қайтарди. Бугунги бепул тиббий кўрик ва тарқатилган дори-дармонлар бунинг амалий ифодасидир. Ўзбекистон "Миллий тиклаиш" демократик партияси ташаббуси билан "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди вилоят ҳудудий филиали вакилларининг олис манзилдан келиб чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказишга бош-қош бўлгани, хайрли ишларни амалга оширганидан мамнунмиз.

Давра суҳбатида оналар ва болалар саломатлиги мамлакатимизнинг энг катта бойлиги экани таъкидланди. Мутахассисларнинг она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлод тарбияси, оилада тиббий маданиятни юксалтиришга бағишланган маърузалари тингланди. Маҳалладаги уюшмаган ёшлар ҳамда хотин-қизларнинг муаммолари ўрганилиб, уларга зарур тавсиялар берилди. Жойида ҳал этиш имкони бўлмаган мурожаатлар бўйича партиядан халқ депутатлари Бўстонлиқ туман Кенгашига сайланган депутатлар томонидан тегишли мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови юборилди.

Усмон АБДУРАСУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бугуннинг гапи

ЯХШИ ҚЎШИҚ ЯХШИ МАТНДАН ЯРАЛАДИ

ЁХУД ШОИР-БАСТАКОР-ХОНАНДА ҲАМКОРЛИГИГА БИР НАЗАР

Мамлакатимизда бой маънавий меросимиз, маданиятимиз ва санъатимизни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш, ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш, уларни миллий ва жаҳон мусиқасининг нодир намуналаридан кенг баҳраманд этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 3 август куни миллий маданиятимизнинг намояндалари билан учрашувда таъкидлаганидек: "Биз мана шу ўта муҳим йўналишдаги ишларимизни бундан кейин ҳам қатъият ва изчиллик билан давом эттирамиз".

Бугун барча соҳалар қатори санъат ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Бунинг самарасида юртимиз санъаткорлари ва мусиқачилари халқаро кўрик-танлов, фестивалларда фаол иштирок этиб, ғолиб бўлмоқда. Ўзбекистон ёшларининг улкан иқтидори ва салоҳияти хорижликларда ҳам катта ҳавас уйғотаётир.

Қўшиқнинг асосий вазифаси — инсон маънавиятини юксалтириш, тингловчида эзгу фазилатларни шакллантириш, руҳиятни тарбиялашдан иборат. Қўшиқ — инсон руҳини аллаловчи, уни кўкка кўтарувчи илоҳий куч, туйғуларимизга қанот.

Матннинг мусиқага мос ва маъноли бўлиши қўшиқда муҳим омил саналади. Зеро, ҳозирги глобаллашув шароитида ёшлар қалбини ўзига ҳар томонлама жалб этаётган миллий эстрада санъатимизни миллий қадриятларимиз асосида шакллантириш долзарб аҳамиятга эга. Бу эса, аввало, яна бир бор санъат олами вакиллари зиммасига катта масъулият юклайди.

Ўзбек қўшиқчилик санъати ўз йўли, тарихи, санъаткорларига эга. Дунё аҳлини ҳамиша ўзига мафтун этиб келган ўзбек мумтоз куй-қўшиқлари давр билан ҳамоҳанг, ҳамнафас ривожланиб бормоқда. Тўғри, давр ўтиши билан унга замонавий йўналиш ва оҳангларнинг кириб келиши, янада бойиши табиий жараён. Миллий қўшиқчилигимиз ўзининг теран илдизларидан ажралмаган ҳолда мунтазам бойиб, янгиланиб бормоқда. Бу, албатта, таҳсинга сазовор. Бироқ шоли курмаксиз бўлмаганидек, бугунги ўзбек қўшиқчилик санъатида халқимиз руҳиятига мос келмайдиган "ижод намуналари" ҳам бот-бот учраётгани сир эмас. Санъат ва миллий маънавият ривожига салбий таъсир кўрсатадиган бу каби ҳолатлар, асосан, ижрочилардаги фикрсизлик ва профессионал маҳоратнинг етишмаслиги туфайли пайдо бўлаётгандай, назаримизда. Руҳиятшуносларнинг эътироф этишича, инсон қулоғи ёшидан қатъий назар ана шундай куй ва қўшиқларга аста-секин ўрганиб, кўникиб қолади.

* * *

Президентимиз ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашувда халқимизнинг ноёб мероси бўлган мақом санъати ҳақида тўхталиб, уни нафақат юртимизда, балки бутун дунё бўйлаб кенг тарғиб қилиш, керак бўлса, халқаро миқёсда танловларни ташкил этиш устида ишлашимиз керак, деди. Дарҳақиқат, "Шашмақом", "Муножот", "Қаро кўзим", "Тановор", "Сумбула", "Лазги", "Ўзбегим" каби мумтоз куй ва қўшиқларни яратган халқмиз. Халқона лапар, айтишув, ўланларимизда қадим аждодларимизнинг руҳи яшайди. Қўшиқчилик санъатимиз илдизлари бой ва теран.

Бироқ айрим радио ва телеканалларда таралаётган қўшиқларнинг матнини эшитиб, наҳотки шундай даражага тушиб қолган бўлсак, деган хаёлга борасан. Яқинда хонандалар Жаҳонгир Фозилжонов ва Шаҳзоданинг "Мақтанчоқ" деб номланган дуэтини эшитиб қолдим:

Жаҳонгир:

Вой-ё, жанона, бўлдим сенга парвона,
Рубобимнинг сози йўқ, созлаб бергин жанона.
До-ре-ми-фа-сол-я-си, намунали, фойдали,
Полвон бола-чақали, гапимга жавоб.

Шаҳзодахон ҳам бўш келмай унга шундай жавоб қайтарди:

Юз гапингдан биттасида маъно йўқ,
Жавобим тайёр эшит – асло йўқ!
Сани кўрсам етишмайди ҳаво йўқ,
Йўлимда ўралашмагин, мақтанчоқ.

Қизиқ, аёл кишининг "Сени кўрсам менга ҳаво етишмай қолади", деганини қайси ор-номусли ва ғурурли ўзбек йигити кулиб, очиқ чеҳра билан қарши олади? Бу дуэтдан кўра, ёш йигит ва қизнинг жанжалига ўхшайди.

Атоқли шоиримиз Абдулла Орипов ғазалдаги "бегона байт" атамасига "бу мақтадан олдинги байт бўлиб, бунда шоир кимни мақтагиси келса, мақтайди. Ёмон кўрса, ўз муносабатини ошкор қилади. Шоир мавзуга алоқадор бўлмаган барча фикрини шу байтда айтади", дея таъриф берган. Назаримизда айрим қўшиқларнинг матнлари бошдан оёқ "бегона байт"дан иборат бўлиб қолаётгандек.

* * *

Давлатимиз раҳбари ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашувдаги маърузасида энг оммавий санъат бўлган эстрада санъатининг бугунги ҳолатидан қониқмаётганини, уни ривожлантириш Маданият вазирлиги эътиборидан четда қолаётгани, бу соҳада ижод қилаётган аксарият ижрочилар фаолиятида талабчанлик ва масъулият, ижтимоий жараёнларга дахлдорлик туйғуси тобора пасайиб бораётганини таъкидлади. Ушбу фикрнинг тасдиғи сифатида ажабтовур ном олган "VIA Мароканд" эстрада гуруҳининг "Ҳамма ҳаракатда" деган қўшиғи матнига эътибор қаратинг:

Мен танлаган "Кабриолет" қани?
Ёнида ранги қора "Геленваген" қани?
Европага борди-келди иккита чипта қани?
"Ганга"да битта музқаймоққа алдади!

Ўзбек қизи тўйдан олдин бўлажак турмуш ўртоғига ўзи хоҳлаётган нарсаларнинг рўйхатини санаяпти. Йигит эса уни битта музқаймоқ билан алдаб қўя қолипти. Бор гап шу.

"Шаҳзод" гуруҳи ижросидаги "Йўқ, дема" қўшиғи нақоратида "дема" сўзи нақд 40 марта такрорланади. Нақорат агар тўрт марта такрорланса, бир қўшиқда "дема" сўзи 160 марта айтилган бўлиб чиқади. Савол туғилади: бу қўшиқми ё тез айтиш?

Бир қизиқнинг шундай гапи бор: ўзбекчани сал чўзиб талаффуз қилсанг, инглизча бўлади. Айрим қўшиқчиларимиз гўё ана шундай йўл тутаётгандек. Чунки улар икки киши ўртасидаги оддий гап-сўзни сал ўзгартириб, "қўшиқ" қилиб айтишдан тап тортишмаяпти. Кўп ҳолда матн, мусиқа ва овоз уйғунлигига эътибор берилмаяпти. Қўшиқда қачон ана шу уч унсур бирлашмас, мувофиқ келмас экан, у ҳақиқий санъат асари даражасига кўтарила олмайди.

* * *

Президентимиз эстрада санъатидаги камчиликларнинг асосий сабаблари ҳақида тўхталиб, жумладан, шундай деди: "кўпчилик қўшиқчилар масъулиятни унутиб, ўз устида ишламай қўйган, изланиш, маҳоратини ошириш, янги ижодий ғоялар билан яшаш, санъат дунёсига, мухлисларга ҳурмат каби тушунчалар уларга бегона бўлиб қолган, десак, қанчалик аччиқ бўлмасин, бу ҳам ҳақиқат".

"Наво" телеканалининг "Наво шоу" кўрсатувидаги бир ҳолат ҳайратимизни оширди. Шоуга бир нечта ёш қўшиқчи таклиф этилган. Нечанчидир шартда санъаткорларга мусиқа эшиттирилар экан. Энг қизиғи, уччала санъаткорнинг бирортаси ҳам намойиш қилинган мусиқа қайси қўшиққа тегишли эканлигини топа олмади. Хонанда Тоҳир Усмонов уялиб кетди шекилли, "Менда жавоб бор", дегандек қўнғироқ тугмачасини босди. Бошловчи:

— Қани, қани, Тоҳиржон, бу қайси қўшиқнинг мусиқаси?

— Тилимнинг учида турибди, нима эди-я? Най-най-най-най... — дея қўлини ҳавода ўйнатиб мусиқа оҳангини ҳиргойи қила бошлади.

— Эсланг, эсланг, хўш, хўш, хўш, бу қайси қўшиқнинг мусиқаси? Қани, қани, Тоҳиржон, ҳозир ўзим айтсам, "эҳ" деб қоласиз.

Бошловчи Аҳрор Қўшматовнинг шунча ҳаракати зое кетди. Тоҳир Усмонов охири эслай олмаётганлигини тан олди. Шунда бошловчи:

— Тоҳиржон, ахир бу ўзингизнинг "Гулдаханим" қўшиғингиз эди-ку, — деса бўладими?

Ана сизга аччиқ ҳақиқат. Хонанда ўз қўшиғининг мусиқасини тополмаса...

* * *

— Матн яхши бўлса, қўшиқ ҳам ёмон чиқмайди, — дейди шоир Зоҳиджон Олов. — Асл шеъриятдан баҳра олган, уни тушунган хонанданинг навоси ҳам бошқача бўлади. Қўшиқ уни тинглаган инсоннинг руҳиятига таъсир этиши, унинг дидини юксалтириши керак. Бироқ, афсуски, бугунги айрим қўшиқларимизда матн учинчи даражага тушиб қолди. Ҳатто айрим катта-катта санъаткорларимиз ёки ёшларимиз ҳам "ура-ур" ёхуд "думи юлуқ", "курақда турмайдиган" матнларга зўр бермоқда. "Матнбоз", "матнтузар"лар сафи кун сайин кенгаймоқда, улар ўз қўшиқларида соёз, жўн, ғализ сўзлар билан буюк адабиёти бор халқни таҳқирлаш даражасига етаяпти. Ана шундай хонандаларни китоб ўқишига шубҳам бор. Топиб олган гапи: "шеър йўқ". Шунча улкан шоирларимизнинг ёзгани нима унда?

Жуда кўп қўшиқчилар матн танлашда адашяпти: бўш-баёв шеърларни ҳам қўшиқ қиляпти. Бунинг зарарли жиҳатлари жуда кўп. Биринчидан, тингловчи дидини, савиясини ўтмаслаштиради, иккинчидан, енгил-елпи қўшиқларнинг урчиб кетишига йўл очади. Шу боис зиёлилар ва ўзини ҳурмат қилганлар эски қўшиқларимиз ёки чет эл дурдоналаридан баҳра оляпти. Шахсан ўзим айрим ёш хонандаларимизни тинглай олмайман. Дастлаб унинг сўзига эътибор қаратаман. Мен учун матн мусиқа ва ижродан устун туради.

— Миллий оҳангларимизга йўғрилган қўшиқни эшитиш руҳиятга ором, ҳаловат бахш этади, — дейди Ўзбекистон давлат консерваторияси анъанавий ижрочилик кафедраси мудири, профессор Рифатилла Қосимов. — Яхши ижод намунасини яратиш қанчадан-қанча меҳнат ва машаққатни талаб қилади. Афсуски, бугун плагиатрлик авж олиб кетди, катта муаммоларимиздан бирига айланди. Баъзи бир хонандалар чет эл қўшиқларининг оҳангини ўзлаштириб, унга ўзбекча матнни тиқиштиришади ва қўшиқ қилиб куйлашади. Оҳангга ҳамоҳанг бўлмаган матн мусиқанинг аввалги ҳолатига ҳам путур етказади. Ҳақиқий ижод бастакор, хонанда ва шоир меҳнатининг маҳсули саналади.

Бугун санъаткорларимиз биринчи ғалда ташқи кўриниш, яъни кийимга эътибор қаратмоқда. Натижада қўшиқнинг қай даражада талабга жавоб бериши, мукаммаллиги кейинги ўринга тушиб қолаётгандек. Томошабин дабдабали клипни кўриб, қўшиқнинг матни, маъно-мазмунига у қадар эътибор қаратмай қўйяпти. Чунки нигоҳимиз, диққат-эътиборимиз кадрлардаги фақат кўзни қамаштирувчи тасвирларни кўряпти. Нари борса, тингловчи қўшиқнинг нақоратинигина эслаб қоляпти, холос.

— Ана шундай муаммо ва эътирозларни ҳисобга олган ҳолда хонандаларга лицензия бериш тартиби бугунги кунда бутунлай ўзгарган, — дейди "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси матбуот котиби Музоффар Сайфуллаев. — Авволлари санъаткорлар фақат қўшиқ матни илова қилинган дискни топшириш билан кифояланган бўлса, энди ўзлари келиб шоир, бастакор ва устоз санъаткорлардан иборат ижодий кенгаш аъзоларига қўшиқни жонли ижрода тақдим этмоқда. Ижодий кенгаш аъзолари ана шундан сўнг муассасага лицензия бериш бўйича ўзининг хулосасини беряпти.

Дарҳақиқат, кейинги пайтда, айниқса, хонанда ва шоир ўртасидаги ҳамкорлик анча издан чиқиб кетди. Бу тизимни самарали йўлга қўйиш учун айни пайтда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бундан буён нафақат пойтахтда, балки, вилоят ва туманларда қалам тебратаётган шоирларнинг ҳам қўшиқбоп шеърлари хонандаларга уюшма томонидан тавсия этилмоқда.

Чинакам санъат талабларига жавоб берадиган қўшиқлар яратиш мақсадида шоир-бастакор-хонанда ҳамкорлигини янада яхшилаш ва бунинг учун соғлом ижодий муҳитни яратиш айни пайтда "Ўзбекконцерт" давлат муассасасининг асосий вазифаларидан бирига айланган.

* * *

...Бугунги мураккаб, глобаллашув шароитида миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт қарашлар ва хуружлар ортида ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли мақсадлар борлиги сир эмас. Президентимиз Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувда маданият соҳасида жаҳолатга маърифат билан курашиш, ёшларимизни ҳақиқий санъатни англашга ўргатиш, уларнинг эстетик оламини соғлом асосда шакллантириш бўйича олдимизда жуда муҳим вазифалар турганини куюнчаклик билан таъкидлади. Бу виждони уйғоқ, ўз ишига садоқат ва фидойилик билан ёндашадиган ҳар бир инсонни ташвишлантирмай қўймайди. Модомики шундай экан, бунга ҳаммамиз, айниқса, хонандалар, шоу-бизнес вакиллари, санъат ва маданият ходимлари бепарво бўлмаслиги лозим. Зеро, миллий эстрада санъатини ривожлантириш, уни аждодларимиз бой маънавий мероси билан уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш ёшлар тарбиясини юксалтиришда муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Танлов

ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ ВОСИТАЛАРИ

ТАНЛОВИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги юртимиз ёшлари ўртасида "Best Soft Challenge-2017" – энг яхши дастурий таъминот воситалари танловига старт берди.

2013 йилдан буён ўтказиб келинаётган танлов олий таълим муассасаларининг талабалари, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари, 25 ёшгача бўлган юртдошларимизнинг иштирокида ўтказилади. Танлов ўқувчи-талабаларнинг бўш вақтларини мақсадли сарфланишига хизмат қилади.

Бу йил ташкилотчилар танлов шаклига бир оз ўзгартириш киритди. Шу вақтга қадар дастурчилар танловга тайёр маҳсулот билан қатнашиб, мукофотни қўлга киритган бўлса, энди иштирокчилар танлов ҳайъатига номинациялар бўйича ўзлари илгари сураётган ишланмаларнинг лойиҳаларини тақдим қиладилар.

Жорий йилда тўрт йўналишда учтадан энг яхши IT-таклифлар аниқланади: "Ақлли шаҳар", компьютер ва мобил ўйинлар, савдо ва хизмат кўрсатиш бўйича энг яхши лойиҳалар ҳамда "АКТ йўналишида энг илғор ғоя" номинациялари жорий қилинган.

Ғолиблар расмий ҳомийлар – Huawei, "Ўзбектелеком" компаниялари, "Uzinfocom" компьютер ва ахборот технологияларини жорий қилиш марказининг мукофотлари билан тақдирланишади.

Танлов 2017 йилнинг 4 августидан 10 ноябрига қадар уч босқичда ташкил қилинади. Иштирокчиларни рўйхатга олиш ва ишланмаларни тақдим этиш www.software.uz сайтида онлайн режимида амалга оширилади. Учинчи босқичда иштирок этиш истагида бўлган иштирокчилар ҳайъат аъзоларига ўз лойиҳаларини тақдим қиладилар.

Т. АЪЗАМОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

ИККИТА ОЛТИН, ИККИТА КУМУШ МЕДАЛЬ

ЁШЛАРИМИЗ ХАЛҚАРО МАТЕМАТИКА МУСОБАҚАСИДА ИККИНЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ

Шу йилнинг 25-31 июль кунлари Ҳиндистоннинг Лакҳнау шаҳрида бўлиб ўтган халқаро математика мусобақасида ўзбекистонлик ўқувчилар иккита олтин, иккита кумуш медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Мамлакатимизда ёш авлодга пухта билим бериш, уларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини юзага чиқаришга яқиндан кўмаклашиш, таълим тизимининг барча бўғинларини давр талабига мос тарзда такомиллаштириш юзасидан кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси ўғил-қизларимизнинг билим олишга бўлган қизиқиши ва иштиёқи, иқтидорини намоён этишига сабаб бўлмоқда.

Ҳиндистонда бўлиб ўтган халқаро математика мусобақасида жаҳоннинг 41 давлатидан ташриф буюрган ёш математиклар ўзаро беллашишди. Мусобақада тўртинчи бор иштирок этган Ўзбекистон жамоаси вакиллари — Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчилари Дониёр Исмоилов ҳамда Севарахон Остонова якка тартибдаги баҳсларда ўз билим ва иқтидорини намоён этиб, олтин медални қўлга киритди. Яккалик баҳсларида ушбу ўқув даргоҳининг 7-синф ўқувчиси Олимжон Олимов ҳамда 8-синф ўқувчиси Исмоил Пўлатов кумуш медалга сазовор бўлди.

Юртимизда ўтган йиллар давомида таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниб, соҳага илғор метод ва усуллар, янги педагогик технологиялар татбиқ қилинди. Дарс ва машғулотларда замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан кенг фойдаланилаётгани эса ўқувчиларнинг фанларга бўлган қизиқишини ошириб, уларнинг нуфузли кўрик-танлов ҳамда мусобақаларда зафар қучишига замин яратмоқда. Юртдошларимизнинг Ҳиндистондаги ғалабаси ҳам тизимдаги ислоҳотларнинг амалий натижасидир.

— Таълим масканимизда ўз билим ва салоҳиятига ишонган иқтидорли ўқувчилар жуда кўп, — дейди Қоракўл туманидаги ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби директори Темур Рўзиев. — Мактабимизда уларнинг келажакда ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишиши учун барча шароит ва имконият мавжуд. Бу ёш авлоднинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлод, етук инсонлар бўлиб вояга етишига хизмат қилади. Халқ таълими вазирлиги томонидан 6-8 синфлар ўртасида ўтказилган "Билимлар беллашуви"нинг туман, вилоят босқичида қатнашган 350 ўқувчи ичидан фақат 4 нафари халқаро олимпиадага йўлланма олди. "Билимлар беллашуви"даги икки босқичли танлов ҳамда энг илғор методикалар асосидаги машғулотлар ўқувчилар билимини янада оширишга, зеҳнини чархлашга хизмат қилди. Кувонарлиси, уларнинг барчаси бизнинг мактаб-интернатимиз ўқувчилари бўлди. Ёш математикларимизнинг ушбу ютуғи энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз истиқлолининг 26 йиллигига муносиб совға бўлди.

— Мактабимизда 360 нафар ўқувчи таҳсил олади, — дейди Қоракўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг ўқитувчиси Шерназар Саломов. — Ўқув режасидаги дарслардан ташқари гуруҳ машғулотлари, олимпиада мусобақаларига оид тўгараклар фаолияти доимий иш олиб боради. Энг асосийси, юртимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор ўқувчиларнинг улкан муваффақиятларга эришиши учун қанот бўлмоқда.

— Келажакда етук математик бўлишни орзу қиламан, — дейди Севарахон Остонова. — Эришаётган натижаларимизга юртимизда биз, ёшларга қаратилаётган эътибор, устозлар меҳнати, яқинларимизнинг ғамхўрлиги асос бўлмоқда...

Кўҳна дунё Фарғоний, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбеклар асос солган ва оламга довруғ таратган илмий мактаблар зиёсидан баҳраманд бўлган ва бу зиё бугун ҳам зиҳор сўнмаган. Дарҳақиқат, бугун кўпчилик ҳавас билан боқаётган бу ёш математикларга қараб, Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслигига яна бир карра ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Зотан, юртимизда навқирон авлод истиқболи йўлида яратиб берилган чексиз имкониятлар ўғил-қизларимизни етук инсонлар этиб вояга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Ушбу мусобақада иштирок этишга 300 дан ортиқ ўқувчилар орасидан менга имкон берилганидан жуда хурсанд бўлдим, — дейди Дониёр Исмоилов. — Бугунги кунгача мактабимиздан жуда кўплаб тенгдошларимиз, ака-опаларимиз халқаро фан олимпиадаларида ғолиб бўлишган. Мен доимо уларга ҳавас қилардим. Не бахтки, бугун уларнинг сафида мен ҳам борман.

— Бухоро қадимдан йирик илм-фан марказларидан бири бўлиб келган, — дейди Олимжон Олимов. — Мамлакатимизда биз, ёшларнинг чуқур билим олишимиз учун яратилаётган шароитлар юксак самара бермоқда. Хорижлик тенгдошларим Ўзбекистонда ёш авлод камолотига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида билишлари ва бунга ҳавас қилишларини айтишганида, шундай бетакрор юртнинг фарзанди эканимдан фахрландим.

Қоракўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати ўқитувчилари ўз ўқувчилари эришаётган ютуқлар билан ҳақли равишда фахрланади. Зеро, ўқитувчининг меҳнати шогирдлари билими, уларнинг келгусида баркамол инсон бўлиб улғайиши билан ўлчанади. Ўтган йилларда мактабнинг Оғабек Ҳайдаров, Аббос Сайлиев, Абдумалик Абдуқаюмов, Нодира Бобоқулова, Шаҳбоз Ҳасанов каби ўқувчилари математика, кимё, биология ва тиббиёт фани бўйича ўтказилган халқаро олимпиадаларда совринли ўринларни эгаллади. Кўплаб ўқувчилар турли йўналишдаги олий ўқув юртларида таҳсил олмоқда.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Айём

ТИНЧЛИК — ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ

...Юртдошларимиз ҳар куни тонгни хотиржамлик, шукроналик билан кутиб олади. Кичкинтойлар боғчага, ёшлар билим масканларига, катталар ишга отланади. Нуронийлар юртимиздаги тинчлик-осойишталик, тўкинлик, фараҳбахш ҳаёт бардавом бўлишини сўраб, дуога қўл очади.

Ҳа, тўй-ҳашамларда, давраларда дуога қўл очган отахону онахонларимиз, энг аввало, бутун дунёга тинчлик-омонлик, юртимиз осмони доимо мусаффо бўлишини тилаши бежиз эмас. Бундай қатъий қарашлар, айниқса, кўпни кўрган, оғир кунларни бошидан кечирган кексаларимизнинг онгу тафаккурига жуда чуқур сингиб кетган. Чунки неъматлар ичида энг олийси, энг аълоси — тинчлик. Осудалик бўлмаган юртда фаровонлик ҳам, тўкин-сочинлик ҳам бўлмайди. Буни узоқ-яқин давлатлар мисолида ҳам кўриб-билиб турибмиз.

Президентимизнинг шу йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорида ҳам олий неъмат — мустақилликнинг, тинчликнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш яна бир бор энг муҳим йўналиш этиб белгиланди. Бундай саъй-ҳаракатлар замирида, албатта, осойишталик, бугунги фараҳбахш кунлар шукуҳи, эртанги кунга бўлган умидимиз мужассам.

...Биринчи синфда ўқир эдик. Ўқитувчимиз кўп вақтини биз билан мулоқотга сарфларди. Шундай кунларнинг бирида барчамизга савол берди:

– Қани, катта бўлсангиз, ким бўлмоқчисиз?..

Қатор аввалидан бошлаб ҳар бир ўқувчи ўз келажак орзулари ҳақида ҳикоя қила бошлади. Кимдир қурувчи, яна кимдир шифокор, яна кимдир эса архитектор бўлмоқчи.

Устозимизнинг жавоблардан дили яйраб кетди:

— Ҳа, сизлар шундай тинч юртда яшаяпсизларки, нафақат ҳар бир кун, балки келажакда қайси касб эгаси бўлиш ҳақида режалар тузишингиз, ширин орзулар қилишингиз табиий. Аммо дунёда худди сизлардек қоракўз, аммо тақдири аянчли кўплаб болалар ҳам борлигини унутманг: улар ҳар бир отаётган тонгни қарши олаётгани учун ҳам хурсанд бўлади. Бу кунларнинг қадрига етинг...

Яқинда суриялик болакай ҳақидаги бир мақолани ўқиб, ўшанда устозим айтган ҳақиқатни янада теранроқ англадим. Бу болакайга "Катта бўлсанг ким бўласан?" дея савол беришган. Жавоб эса қалбни ўртаб юборади — "Мен катта бўламанми?!."

Бугун бутун дунёда тинчликни сақлаш асосий масалага айланди. Қатор минтақаларда кечаётган мураккаб жараёнлар, турли зиддиятлар айрим мамлакатлар тараққиётини ўн-йигирма йиллар ортга сурмоқда. Одамлар бошига кулфат, фарзандлар тақдирига рахна солмоқда. Дунё мамлакатларининг баъзиларида, ҳатто, болалар қўлига қурол тутқазишмоқда. Ана шу жараёнда Ватанимизнинг ҳеч қандай ҳарбий блокка қўшилмаслиги ва мамлакатимиз ҳудудида чет давлатларнинг ҳарбий базалари жойлашувига, ҳарбий хизматчиларимизнинг юртимиз ташқарисида бўлишига йўл қўймаслик сиёсати танлангани нечоғлик маъқул ва тўғри экани янада ёрқинроқ намоён бўлади.

— Бизнинг ёшлик давримиз ниҳоятда оғир, машаққатли, синовли йилларга тўғри келди, — дея ҳикоя қилади Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Тошпўлат Жонузоқов. — Халқимиз жуда кўп қийинчиликларни бошидан кечирди. Ва минг шукрки, барча оғир кунлар ортда қолди. Шу боис ўша машаққатли кунларни неваларимга бугунги тинчлик ва мустақилликнинг қадрига етсин, деб кўп гапириб бераман. Тақдиримизга шундай улуғ кунларни кўриш ҳам ёзилган экан. Истиқлол умримга умр қўшди, бу кунлар учун яратганга шукроналар айтаман.

Мустақиллик, тинчлик ҳақида гап кетар экан, мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларига тўхталмасликнинг иложи йўқ. Чунки айнан истиқлол ва тинчлик сабаб бутун юртимиз бўйлаб янги уйлар, замонавий бино-иншоотлар, мактаб-боғчалар, кенг ва равон йўллар, ҳашаматли кўприклар қурилмоқда. Буларнинг деярли барчасини юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан ўз усталаримиз қураётганлиги қалбимизни яна бир бор фахр-ифтихорга тўлдиради. Қурувчи-усталаримизнинг ҳар йили энг улуғ, энг азиз байрамимиз ҳисобланган мустақиллик байрами олдидан тўйга тўёна тарзида кўркам бино-иншоотларни фойдаланишга топшириши одат тусига кирган. Бу ҳам эзгу анъаналаримизнинг бардавом эканлигидан далолат.

Эришган ютуқларимизни эътироф этар эканмиз, биз бир нарсани зинҳор унутмаслигимиз керак. Тинчликни, бундай кунларни бизга ҳеч ким тайёр қилиб бермайди. Унинг учун тинмай курашиш, саъй-ҳаракатимиз билан унга ҳисса қўшишимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Чунки инсон хотиржам ва осойишта бўлсагина, мақсади сари дадил интилади, ўзини чинакамига бахтли ҳис қилади.

Истиқлол шукуҳи кезиб юрган юртимизга, нурафшон кунларимизга бахтиёр ҳаётимизга кўз тегмасин. Мустақиллигимиз абадий, юртимиз тинч бўлсин.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Мавсум

ТЎКИНЛИК ВА ФАЙЗ-БАРАКА ИФОДАСИ

Бугун юртимизда айни пишиқчилик пайти. Бозорлардаги ноз-неъматлар кўплигидан кўз қувнайди. Айни ёз чилласида пишиб етиладиган сархил ноз-неъматлар орасида қовун азалдан энг шифобахш полиз маҳсулоти ҳисобланади. Тилими тилни ёрар гурвак қовуни Хоразм рамзига айланган, десак муболаға қилмаган бўламиз.

Бугун Хоразмда 55 турдан ортиқ қовун нави экилади. Айниқса, унинг воҳа тупроқ, иқлимига мос эртапишар гурвак, тарнак, замча, қора гурвак, ўртапишар ширин печак, урганжи, оқ новвот, жийда япроқ, шакарпора, зар гулоби, оқ қош ҳамда кечпишар бешак, сариқ гулоби, қора қош, шойи қовун каби навлари катта майдонларда етиштирилмоқда. Бу навлар ўзининг ширин таъми, қувватбахшлиги ва турли дармондорига бойлиги билан ажралиб туради.

Хоразмда ҳар йили анъанавий тарзда "Гурвак — Хоразм қовунчилиги рамзи" шиори остида қовун сайли ўтказилади. Сайилда заминимизда етиштириладиган ноз-неъматлар, жумладан, шакардан ширин қовунлар кенг намойиш этилади. Унда Хоразм воҳасининг барча ҳудудларидан фермер ва деҳқон хўжаликлари ўзлари етиштирган полиз экинларининг ҳамма туридан намуналар билан иштирок этади. Мақсад — қовун етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича тажриба алмашиш. Бу байрамда мамлакатимизнинг турли ҳудуди ва хориждан меҳмонлар иштирок этади.

Навбатдаги қовун сайли ўз фаолиятини яқинда бошлаган Урганч шаҳридаги Амир Темур номидаги истироҳат боғида бўлиб ўтди. Бу йил тадбир кўлами анча кенгайиб, гул байрами ҳам ўтказилди. Байрам истироҳат боғи ҳудудида қурилган "Ёшлар маркази"нинг очилиш маросимига уланиб кетди. Хоразм вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг вилоят бошқармаси ҳамда бошқа бир қатор давлат, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги олдидан ташкил этилган қовун ва гуллар сайлида барча туманлар фаол иштирок этди.

Тадбирда қовун етиштиришни янада ривожлантириш, соҳага илғор технологияларни жорий этиш, экспорт салоҳиятини ошириш, қовуннинг йўқолиб бораётган навларини қайта тиклаш, янгиларини таништириш, воҳа иқлимига мос гулларни парваришлаш ва уларнинг турларини кўпайтириш борасида мутахассислар билан ўзаро фикр алмашилди. Қовун сайли доирасида бошқа турдаги полиз маҳсулотлари, гуллар ва мевалар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

— Ташқи бозорда юртимиз қовунларига талаб юқори, бугун деҳқонларимиз маҳсулот турини кўпайтириш ва уни жаҳон бозорига олиб чиқиш чораларини кўрмоқда, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Гулмат Ҳайитматов. — Қолаверса, замонавий совутгичли омборхоналар барпо этилаётгани, такомиллаштирилган қадоқлаш технологияларидан фойдаланилаётгани қовун экспорти ҳажмини янада оширишга хизмат қилмоқда. Бу борада "Шовот Қоракўм" фермер хўжалиги анча илғор. Қовунни қайта ишлаш қўлами ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Хонқа туманидаги "Улли бобо" ҳамда Гурлан туманидаги "Бозор" фермер хўжаликларида қовун қоки ва мураббоси тайёрлаш йўлга қўйилган.

Вилоятда полизчиликнинг бугунги имкониятлари тақдимотига айланган сайил турфа нав қовунларни танлаш имконияти кенглиги билан Хоразм аҳли ва ташриф буюрган меҳмонларга манзур бўлди.

— Юртингизга келган ҳар бир сайёҳ бетакрор ва унутилмас таассуротлар билан қайтади, — дейди германиялик сайёҳ Юнг Юляна. — Муқаддас қадамжолар, тарихий масканларга бой бу заминда дунё илм-фани, маданияти ва тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломалар яшаб, ижод этган. Очиқ осмон остидаги музей, дея эътироф этиладиган Хивани айланиб, биноларнинг қурилиши, минг йиллардан буён сақланиб келаётган ранг ва жилолар мени лол қолдирди. Бу кўҳна заминга илк сафаримиз қовун сайлига тўғри келди. Фурсатдан фойдаланиб, унинг деярли ҳамма туридан татиб кўрдик. Мазасини таърифлашга эса тил ожиз. Халқингизнинг меҳмондўстлиги, миллий таомлар, урф-одат ва анъаналари ҳар қандай меҳмонни ҳайратга солади.

— Мен кўплаб мамлакатларда бўлганман, бироқ ҳеч қачон бу ердагидек самимий ва хушмуомала одамларни кўрмадим, — дейди японияли сайёҳ Такиши Акиба. — Осмони серқуёш, ери серҳосил, тарихий масканларга бой Ўзбекистонга, унинг бағрикенг ва очиққўнгил халқига ҳавасим келди. Қовун ва тарвуздан татиб кўрдим. Шунингдек, улардан тайёрланган шарбатлар табиийлиги ва мазаси билан менга жуда ёқди.

"Ёшлар маркази"нинг очилишига бағишлаб ўтказилган тадбирда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши раиси, Президентнинг давлат маслаҳатчиси Қаҳрамон Қуронбоев иштирок этди.

"Саёт қурилиш" МЧЖ бунёд этган "Ёшлар маркази"да 11 миллиард 800 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Мазкур Марказни жиҳозлаш учун бир ярим миллиард сўм миқдорида маблағ сарфланди. Бу ерда ташкил этилган компьютер саводхонлиги, рассомчилик, шахмат-шашка каби 6 та тўгаракда жами 360 ўқувчининг машғулот ўтказиши учун барча имконият мавжуд. Шунингдек, Марказда 216 ўринга мўлжалланган фаоллар зали ҳамда 4 мингта китобни бағрида жамлаган кутубхона ҳам ёшлар ихтиёрида.

— Келажакда ахборот технологиялари бўйича етук мутахассис бўлиш ниятидаман, — дейди Урганч шаҳридаги 21-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Султонбой Раҳмонов. — Бу ердаги тўгараклар, ундаги имкониятлар бизга жуда маъқул бўлди. Ўзим компьютер саводхонлиги тўгарагига қатнашишни ният қилиб қўйдим.

Қовун сайли доирасида ўтказилган "Ширин қовун" танловида Ҳазорасп тумани соҳибкорлари биринчи ўринни эгаллади. Боғот ва Гурлан туман фермер хўжаликлари иккинчи ва учинчи ўринга лойиқ кўрилди.

Танловда қовунчиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ фермерлар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Эркин ДОРИПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

АНОР — АФЗАЛЛИГИ БИСЁР

Анор лотинча "granatus" сўзидан таржима қилинганда, "уруғ" маъносини англатади. У меваси 700 га яқин уруғ шаклидаги доначалардан таркиб топган субтропик ўсимлик. Ватани — Марказий Осиё, Озарбайжон, Эрон ва Афғонистон. Унинг ёввойи турлари Ўрта денгиз атрофи, Марказий Осиёнинг жанубида, Крим, Кавказ, Эрон, Афғонистонда учрайди.

Ўзбекистонда Қува, Наманган, Шеробод, Денов ва Китоб туманлари ширин анорлари билан машҳур. Табиатда бу меванинг 10 дан ортиқ тури учрайди, улар ранги ва мазасига кўра бир-биридан фарқланади. Лекин унинг ҳар қандай турида соғлиқ учун фойдали витамин, бириктирувчи тўқима ва минераллар бўлади.

Гўштли таомларни кам истеъмол қиладиган кишилар учун доимий равишда анор ейиш тавсия этилади. Чунки унда гўштда мавжуд 15 аминокислота мавжуд. Шунингдек, С, Р, В6 ва В12 витаминлари ҳамда йод, калий, кальций, темир ва кремний каби минералларга бой.

Кўп шифобахш хусусиятларга эга бўлгани учун азалдан анор етиштириш ҳар томонлама фойдали бўлган. Унинг пўсти, ҳатто илдизи ҳам шифобахш, баргини дамлаб ичиш мумкин. Пўсти чойга қўшиб ичилса, уйқусизлик дардига учраган, асаб тизими толиққан ва стресс ҳолатда юрган инсонларга фойдали. Қуритилган анор гули чой сифатида дамлаб ичилса, гипертонияга даво бўлади.

Анор шарбати витаминларга бой маҳсулот ҳисобланади. Шу боис уни одам силласи қуриганида, камқонликда, атеросклерозда, нафас олиш йўллари инфексияларида, бронхиал астмада, ангинада, радиоактив нурланишида ичиш тавсия этилади.

У хўл мева сифатида ҳам, мураббо кўринишида ҳам шифобахш хусусиятга эга. Бу меванинг фойдали хусусиятларидан тиббиёт ва косметологияда фойдаланилади. Таркибидаги органик кислоталар инфекцияни йўқ қилиш имконига эга. Майдаланган анор пўстини зайтун ёғида бироз қовуриб, уни музлатгичда сақлаб, ҳафтада икки мартадан ниқоб қилинса ҳусунбузарларга ва юз териси ёғли бўлган кишиларга фойдали.

Доимий анор истеъмол қилиш юрак хасталиклари юзага келиши, аёлларда кўкрак саратони пайдо бўлиши ва эрта кексаликнинг олдини олади. Анор доналари, айниқса, қон босими юқори бўлганлар учун жуда фойдали: у босимнинг секин-аста тушишига ёрдам беради. Лекин эсдан чиқармаслик керак, ошқозон яра касаллиги мавжуд инсонларга анор тавсия этилмайди. Чунки у жуда ҳам нордон ва кислоталидир. Шунингдек, анор шарбатини кўп миқдорда ичиш тиш эмали емирилишига олиб келади. Лекин милклар қонашига мева гули ва уруғидан тайёрланган шарбат фойдали.

Халқ табобатида анор пўстлоғи ва дарахтининг илдизи ич кетиш, кўнгил айниши, йўтал ва бошқа кўплаб хасталикларга қарши кенг қўлланилади.

БИЛАСИЗМИ?

- Катта ёшли инсонда 206 суяк бўлса, янги туғилган чақалоқда 270 суяк бор.
- Windowsда "Con" номи билан папка ҳосил қилиб бўлмайди. Чунки бу сўз Microsoft Windows асосчиси Бил Гейтснинг болаликдаги лақаби бўлган.
- "Титаник" фильми "Титаник" кемасидан қимматроқ.

МАРСДАН ЯНГИ СУРАТЛАР КЕЛМОҚДА

"Curiosity" марсоходи 2012 йил 6 августда Марсга етиб келган ва NASA коинот агентлигининг 19-туширилувчи қурилмаси бўлди. Унинг асосий вазифаси Марсда ҳаёт учун яроқли шароитлар мавжудлигини аниқлаш, бу сайёранинг иқлими ва геологияси ҳақида батафсил маълумот тўплаш ва Марсга одамни қўндириш учун тайёргарлик кўришдан иборат.

Оғирлиги 899 киллограмм, узунлиги 3 метр келувчи қурилма соатига 144 метр тезлик билан ҳаракатланади. У камералар, масофадан тадқиқ қилувчи асбоблар тўплами, спектрометр, тупроқ олишга мўлжалланган чўмич, метеорологик қурилмалар мажмуаси билан жиҳозланган. Қурилма Марснинг сиртини тадқиқ қилиш учун 10 илмий ускуна, ҳаракатланиш ва суратга тушириш учун 17 рангли ва оқ-қора рангда олувчи камераларга эга.

Шу кунгача мазкур технология имконияти билан Ерга Марс манзараларининг янги суратлари жўнатилмоқда.

Усмон АБДУРАСУЛОВ
тайёрлади

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САЙДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 816, Адади — 5302. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Шоҳида ДАМАНОВА
Навбатчи: Усмон АБДУРАСУЛОВ
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
ЎзА якуни — 22.45. Топширилди — 1.15.

ISSN 2010-7714
9 772010 771003 123 56